

ХАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕФАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

АРМОНСИЗ УМР КЕЧИРДИМ

Алоқа тармоқларида 30 йилдан кўпроқ меҳнат қилган Насим ака Қобиловни нафақат Самарқанд-да, балки Республикамизда ҳам кўпчилик танийди. Ўзининг табаррук 60 ёшини дўсти-ёрлар, шогирдлар ардоғида хуш-хурсандчилик билан қаршилаётган Насим акани суҳбатга тортдик.

- Насим ака, бу касбга қириб келишингизга нима сабаб бўлган?

- Кўчамиздаги телефон симлари баланд симёғочлар орқали ўтарди. Кўпинча телефонлар ишламай қоларди. Шунда уни тузатишга келган алоқачи-электрикларнинг ишига ҳавас билан боқардим. "Темир тирноқ"ларини кийиб, бир марта бўлса ҳам симёғочнинг учига чиқшини орзу қилардим. Бир кун шундай қилдим ҳам. Уша "Темир тирноқ"ларни ҳимоя камарисиз ва ялангоёқ, бир амаллаб кийиб олдим-да, баланд симёғочнинг энг учига кўтарилдим. Мени шундагина пайқаб қолишди ва зўрға тушириб олишди. Ушанда улاردан бири менга: "Сен мард бола экансан, хозирдан шундай баландга кўрқмасдан чиқибсанми, демак, катта бўлсанг сендан албатта зўр алоқачи ёки электрик чиқадим", - деб мактаб кўиди. Шунда фаришталар омин деганми, ишқилиб ўз ҳаётимни шу касбга бағишладим.

- Самарқанддаги 5-телефон станцияси ишга турилшида анчагина меҳнатингиз сингиган экан?

тингиз сингиган экан?

- Самарқанд шаҳрида юрдошларимизга намунали алоқа хизмати кўрсатиш учун янги станция қурилиши лойиҳалаштирилди. Шу телефон станциясининг қурилишига бош бўлдим. Зарур бўлганда ишчиларга қўшилишиб ишладим ҳам. Кейинчалик шу жойда раҳбарликка тайинландим. У ерда анча ишладим. Сўнг, "Контакт" кооперативига, хозир эса "Собирий" фирмасига раҳбарлик қилаяпман.

Шуни ифтихор билан айтишим керакки Самарқанддаги 5-телефон станцияси замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Кейинчалик алоқачиларнинг вилоят миқёсидаги малака ошириш базасига айланиб қолди.

- Насим ака, устозларингиз ҳақида икки оғиз суҳбатлашсак...

- Албатта. Мен устозларим ҳақида жуда кўп гапларни гапиришим мумкин. Абдусамат Абдуҳамитов, Баҳром Иброҳимов, Воҳид Йўлдошев, Хожия Қодирова бу рўйхатни яна кўп давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳар бирини ўзига хос ҳаёт сабоғини олганман. Устозларимнинг ишлари кўп бўлишига қарамай ҳамиша шогирдлари билан гаплашишга, уларнинг турмуши билан қизиқиб, муаммоларини ечишга вақт ажратардим. Мен ҳам ўз шогирдларимга устозларимдек эътиборли, меҳрибон бўлишга ҳаракат қиламан.



- Сиз оилада ҳам меҳрибон ота, гамхўр рўзгор бошлиғи экансиз...

- Оиламиз ҳаммамиз учун азиздир. Хизмат юзасидан эрта келиб кеч келсам-да, қанча бўш вақтим бўлса ҳаммасини оиламга бағишлайман. Менинг оилам, фарзандларимга бўлган меҳрим ўзгача. Рафиқам Бибиражаб ажойиб аёл. У уй-рўзгоримни батартиб, озода тутиб, фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тарайди. Бу билан менга ўз касбим бўйича кеча-ю, кундуз ишлашим ва янгиликлар яраттишимга имкониятлар яратиб берди. Уч - қиз, бир ўғилни улғайтирдик. Шукр, тўққиз на-

фар набирамиз бор.

- Ҳаётингиздан кўнглингиз тўқ, бахтиёрсиз. Аммо, армонларингиз ҳам борми?

- Ҳаётда нимани орзу қилган бўлсам ҳалол меҳнатим билан эришдим. Армонларимга келсак. Хозир коммуникация соҳаси мисли кўрилмаган тезлик билан ривожланиб бормоқда. Агар ёшроқ бўлганимда Ўзбекистоннинг янада гуллаб яшашини учун янаям кўпроқ ўз ҳиссамни қўшган бўлар эдим.

- Сиз бугун обрў-эътиборли, пиру-бадавлатсиз. Бунда ота-онангизнинг ҳам ҳиссаси бор, деб ўйлайсизми?

- Нимагаки эришган бўлсам, ота-онамдан миннатдорман. Уларнинг маслаҳати, ўғитлари билан иш тутиб кам бўлмадик. Улар бизга: "Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол бўлинглар, одам-

ларни ҳурмат қилинглар. Касбларингизни ардоқланглар, дея насихат қилишарди. Бугун эса айнан шу гапларни ўзим фарзандларимга ва набираларимга айтаяпман.

- Насим ака, Мустақилликимизнинг 12 йиллиги арафасида кўнглингиздан нелар кечаяпти?

- Шукроналик ва қувонч бор дилимда. Барча ватандошларимиздек, юртимизда тинчлик бўлишини, фарзандларимизнинг бахтли ўсишларини истайман. Энг муҳими инсонлар орасида меҳру оқибат кўтарилмасин. Йилдан-йилга юртимиз гуллаб-яшнайсин.

- Биз ҳам сиздек меҳнаткаш, олийжаноб инсонлар юртимизда кўпаяверсин, дея тилак билдирамиз.

Басира САЙИДАЛИЕВА

Республика Болалар жамғармаси фаолиятдан



Яқинда Республика "Ёш авлод" Кенгашининг навбатдаги учинчи сессияси бўлиб ўтди. Анжуманга республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрлик кенгаш аъзолари иштирок этишди.

Сессиянинг биринчи иш кунини кенгаш аъзолари: бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция масалалари; мактаб ички ишларида ўзини ўзи бошқариш; ижтимоий масалалар ва кекса авлод ҳақида гамхўрлик қилиш; ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқа масалалари; иқтисодий масалалар; экология; соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш деб аталувчи 7 та кўмигага бўлиниб иш бошлади. Тренинг, суҳбатлар, фикр алмашишлар бўлиб ўтди. "Ёш авлод" Кенгаши Низоми тақдим

этилди ва муҳокама қилинди. Кенгаш аъзолари таклифига кўра, Низомга баъзи бир ўзгаришлар киритилиб, сўнг бир овоздан қабул қилинди. Кенгаш аъзоларининг уй вази-фалари бўйича ҳисоботи тингланиб, муҳокама қилинди. Шунингдек, шу кунини кўмига раислари сайланди ва спикер (кенгаш раиси) вази-фаси учун бўладиган сайлов комиссияси тузилди. "Ёш авлод" Кенгаши раислигига 6 та номзод кўйилди.

Иккинчи кун "Ёш авлод" Кенгаши кўмиталарининг умумий мажлиси бўлиб ўтди. Сўнг кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Миллий марказ раиси Акмал Саидов билан учрашди. Кенгаш аъзолари ушбу учрашувда парламент, сайловлар, сиёсий институтлар тўғрисида жуда тўлиқ маълумот ва тушунчалар олишди. Республика маънавият ва маърифат маркази бошлиғи Қуддус Аъзамов билан учрашувда республика миқёсида маърифат ва маънавият дастурларини амалга ошириш ишлари қандай бажарилаётгани хусусида сўз



БУГУНДАН БОШЛАНАР КЕЛАЖАК



кампанияси бўлди. Номзодлар ўз дастурлари ва режалари хусусида сўзлаб беришди. Кўмиталарда "Сайловда сенинг ўрнини" мавзусида тренинглар бўлиб ўтди. Хар бир кўмига ўз номзодларига овоз беришга қақариб чиқишлар қилишди, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Спикерликка номзодлар ҳар бир кўмиталарда ўз да-

борди. Болалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Сессиянинг энг эътиборга лойик бўлган воқеаларидан бири "Ёш авлод" Кенгаши раислигига кўрсатилган номзодларнинг сайлов олди

саволларига жавоб беришди. Сўнг номзодларга аширин йўл билан овоз бериш бўлиб ўтди.

Сессиянинг тўртинчи кунини мандат комиссияси ва кузатувчилар иштирокида овозларни ҳисоблаш ишлари бўлиб ўтди. Сайлов натижасига кўра, 6 та номзоддан тошкентлик Азиз Юсуфов ва фарғоналик Сардор Абдуллаев энг кўп овоз олишди. Шу сабаб, иккинчи тур сайлов ташкил этилди. Сайлов натижасига кўра, "Ёш авлод" Кенгаши спикерлигига Сардор Абдуллаев сайланди. Спикер ўзига билдирилган ишонччи оқлашга ва зиммасига юклатилган вази-фани астойдил бажаришга сўз берди.

Шунингдек, сессияда июн ойида барча БМТга аъзо давлатларда бошланган "Хар бир фарзандга - меҳр, эътибор" Халқаро ҳаракатининг мазмун-мақсади ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Кенгаш аъзоларига болалар манфаатига қаратилган ушбу ҳаракатда фаол иштирок этишлари ва жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишлари вази-фа қилиб топширилди.

Сўнгги кун 18 га тўлган кенгаш аъзолари сертификатлар топширилди. Кенгашнинг бошқа аъзоларига уй вази-фалар ва топшириқлар берилди.

Хулқар ҲОТАМБОЕВА

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан

ҲАР ИШДА ТАДБИРКОР ВА ФАОЛ

Тошкент вилояти Қибрай тумани хотин-қизлари ҳаёти билан танишаркансиз ҳар бир аёл — бир дунё эканлигига амин бўласиз. Куйида жисми-руҳи мустақиллик кўёшидан нур олган қибрайлик аёллар дил сўзлари билан танишасиз.



Сувратда: (чапдан ўнгга) Рашида ТОШМАТОВА — Қибрай шаҳарчаси хотин-қизлар кўмитаси раиси, Дилором ТУРСУНОВА — туман хотин-қизлар раиси вазифасини бажарувчи, Мухайё БОБОКАЛОНОВА — тадбиркор.

Рашида ТОШМАТОВА — Қибрай шаҳарчаси хотин-қизлар кўмитаси раиси. Маҳаллани мен кўнгли уй деб атагим келади. Чунки оқсоқолимиз Бахтиёр Усмонов энг биринчи навбатда яраштириш комиссиялари фаолиятини ях-

шилашга эътибор қаратишимизни талаб қилади. Ёш оилаларни мустаҳкамлаш, қўллаб-қувватлаш, улар орасида ажримларга йўл қўймаслик мақсадида ёш оилалар билан ишловчи 9 кишидан иборат махсус комиссия тузилди. Комиссия таркибига туман ФХДё бўлими, никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш шифокорлари, жамғарма раислари ва бошқа вакиллар киритилди. Комиссия аъзолари зиммасига "Ёш оилалар" турмуш мониторингини олиб бориш вазифаси топширилди. Ундан ташқари "Тўй, ҳашам ва маъракалар"ни ихчам қилиб ўтказиш комиссияси ҳам ҳамisha хушёрликда иш олиб боради. Хоҳ бадавлат, хоҳ ўртаҳол оила бўлсин пайшанба, етти, йил каби маъракалар ўтказилишига чек қўйдиқ.

Наргиза НАЗАРОВА — туман тадбиркор аёллар уюшмаси раиси.

1999 йил республика тадбиркор аёллари ўртасида ўтказилган "Замона аёлли" кўриктанловида биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдим. Кўп ўтмай мени тадбиркор аёллар уюшмаси раҳбарлигига сайлашди. Мақтанишга йўйманг-у, анчагина ютуқларга эришдик. Илгари аёлларимиз ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини қай тартибда бозорга олиб чиқиш, олди-сотди ишларини йўлга қўйишга қийналишарди. Уларга ёрдам бериш, тадбиркорлик қонунқоидаларини ўргатиш мақсадида янги иш режасини тузиб чиқдик. Япония Халқаро агентлигининг "Жайка" ташкilotи томонидан тақдим этилган компьютерлар орқали аёлларимизга компьютер сабоқларини бепул ўргатдик. Маҳалла фуқаролар йиғинларига ташриф буюриб, аёллар учун тренинг машғулотлар ўтказишни йўлга қўйдик. Вилоят миқёсида ташкил этилган "Барака" кредит уюшмасига кўпгина аёлларимиз аъзо бўлишди. Зулфия Маъруфова кредит олиб "Зулфия" номли тикувчилик цехини очди. Хуснобод Абдураззоқова "Ширин" номли парда салони ташкил этиб, қиз-жувонларни иш билан таъминлади.



Наргиза НАЗАРОВА — шогирдлари даврасида.



Мухаббат ХҲҲАЕВА — "Дилмурод хўжа" хусусий корхонаси раҳбари.

Биласизми чиройли биналар қуришни яхши кўраман. Мана бу кўриб турган дорихонангизда 10 дан зиёд аёллар ишлайди. Хув анави кўчанинг нариги юзидидаги гўзаллик салониини ҳам ишга туширишга ҳаракат қилаёмиз. Қўйида дорихонанинг ёнгинасига лаборатория қурдим. Уни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминладим. Қария отахон-у, онахонлар қийналиб узоққа бориб юришмасин дедим-да!

Насиба СОЛИЕВА — "Фуркат" маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раисаси.

Яқинда 55 ёшли бир онахон келинига ажрим қоғози беришимизни сўраб мурожаат қилди. Аввал келин билан ўглингиз суҳбатини олай, кейин бир гап бўлар, дедим. Дастлаб ўгли, кейин келин билан суҳбатлашиб, хайрон-у, лол қолдим. Нима эмиш, автобусда ишга кетаётган келин бир синфдоши билан салом-алик қилган. Автобуснинг орқа ўриндигида ўтириб кетаётган қайнота келинининг бу ишини одобсизликка йўйган, келинга ҳар хил айблар тақай бошлашган, ҳатто "хиёнаткор" га чиқаришган. Уйда йўқолиб қолган нарсаларнинг ҳам айбодори келин бўлиб қол-

ган. Оқсоқолимиз Толиб ака Тўраев ва фаолларимиз билан биргалашиб ушбу оилани сақлаб қолдик. Баъзида одамларга моддий ёрдам бериш масаласида ҳам талайгина муаммоларга дуч келамиз. Эр ҳам, аёл ҳам ҳеч қаерда ишламайди-ю, моддий ёрдам сўраб келишн канда қилишмайди. Ишга жойлаб қўйайлик, десак, эркак ишланши хохламайди. Ундай одамларга қонунга хилоф равишда ёрдам беролмайми. Агар эр-хотин бирор ташкilotда ишлашса-ю, фарзандларини боқиш учун маошларини етмай турган бўлса. Бундай оила-



Насиба СОЛИЕВА — маҳалла фаоллари даврасида.

ларга бажонидил ёрдам берамиз.

Хуллас, Қибрай туманидан қайтаёпман-у, ҳам онамиз, ҳам жамият орасида ўз мавқеига эга бўлган аёллар сони тобора ортиб бораётганидан хурсанд бўлдим. Меҳнат қилган инсон ҳамisha элда азизу муқаррам бўлишига чин юракдан ишондим.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

ИШБИПАРМОН АЁЛЛАР УЧУН

Республика хотин-қизлар Кўмитаси қошида Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotининг Тошкентдаги Маркази ҳамкорлигида тадбиркор аёллар фаолиятини янада яхшилаш учун Ахборот Маркази ташкил этилиб ўз ишини бошлади. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари — Дилобар Қобулова бу ҳақда шундай дейди:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotининг Тошкентдаги Маркази томонидан ишлаб чиқарилган аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни кўзловчи лойиҳа икки қисмдан иборат бўлиб, икки босқичда амалга оширилади. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мавзусида икки кунлик семинарлар ўтказилади. Ушбу семинарлар даставвал 8 та вилоятда — Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилади. Бу семинарларда аёлларга тадбиркорликка оид ҳуқуқий масалаларда ахборотлар берилади. Амалдаги қонун-

қоидалар, меъёрий ҳужжатлар ва солиқлар тўғрисидаги маълумотлар таништирилади. Семинар қатнашчилари тажрибалари ва муаммолари хусусида ҳамкасблари билан фикр алмашинадилар. Жойларда ўтказилаётган семинарларда биринчи марта Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotининг Тошкент Марказидаги малакали тренерлари иш олиб борадилар. Семинарлар пайтида ечилган масалаларга, берилган саволларга қараб хулосалари аниқланади. Бу хулосаларни аниқлаш учун семинар қатнашчилари Марказ томонидан тайёрланган анкеталарни тўлдириб берадилар. Шу тўлдирилган анкеталар йиғиб олиниб, баҳолаш комиссиясига топширилади. Ўз навбатида баҳолаш комиссияси анкеталардан тадбиркор аёлларни қизиқтирган керакли қўлланмалар, ҳужжатларни тайёрлаш ни режалаштирадилар. Шунингдек бу анкеталардан тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқий билимлари қай даражада эканлиги аниқланади. - Марказ ўз фаолиятини бошлагандан бери қайси вилоятларда семинарлар ўтказилди? - Ҳозиргача Тошкент ва Хоразм вилоятларида семинарлар ўтказилди.

Жуда жонли ва қизиқарли тарзда ўтган суҳбатлар, фикр алмашинув ва саволлардан маълум бўлдики, тадбиркор аёлларимизнинг ҳуқуқий билимлари ёмон эмас, тажрибалари ҳам кўнглидагидек. Лекин шу соҳани ривожлантириш борасида ўрганишлари зарур бўлган масалалар ҳам бир талай экан. Хуллас тадбиркорларимиз жуда гайратли, қизиқувчан эканликларидан хурсанд бўлдик. Шу йилнинг охиригача қолган вилоятларда ҳам семинарлар ўтказилади. Лойиҳанинг иккинчи қисмига асосан Ахборот Марказимизда тадбиркор аёллар бизнесини ривожлантиришда асқотадиган барча ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотлар тайёрланади. Ундан ташқари семинарлар пайтида тайёрланган анкеталардаги масалалар ўрганилиб, улар асосида ҳам керакли ҳужжатлар, ахборот бюллетенлари, буклетлар ва жавоблар тайёрланади. Тадбиркорлар ўзларига керакли барча саволларига жавоблар ва маълумотларни оладилар. Бунинг учун Марказимизда шароитлар етарли.

- Тошкентга келишга имкониятлари бўлганлар бу маълумотларни қаердан олишлари мумкин? - Улар хоҳлаган саволларига жавобларни, ахборотларни вилоятлар, туманлар хотин-қизлар кўмиталаридан олишлари мумкин. Лола АХМЕДОВА

АЁЛЛАР ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА

Ҳозирги вақтга келиб, давлат ва жамият ҳаётида аёллар роли қандай ахволда?

1995 йил 2 мартда "Ўзбекистон Республикаси Давлат ва жамиятини қуришда аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Президенти Фармони қабул қилинди. 1998 йил "Оила йили" деб эълон қилинди. Кейинчалик аёлларнинг ижтимоий ва моддий ахволини янада яхшилаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кўчатириш, аёлларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 1999 йил Президент Фармони билан "Аёллар йили" деб эълон қилинди. 1999 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 73-сон Қарори билан «Аёллар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан Давлат дастури» тасдиқланди. Унда куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди: - аёллар манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш ва уларнинг давлат, жамият ва маданий қурилишдаги, жамиятни демократик ва маънавий янгилашдаги ролини ошириш; - аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат, бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш; - барча даражалардаги бошқарув тузилмаларида аёлларнинг ролини ошириш. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкilotларда ва жамoa бирлашмаларида аёллар фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш; - оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини оширишни таъминловчи шарт-шароитларни шакллантириш; - оилада қўлай маънавий-ахлоқий оилавий муҳитни, болалар тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш; - иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш; - гендер муаммолари, шу жумладан ёш авлоднинг тарбиялашда, оилани шакллантиришда, иқтимоий-иқтисодий қайта ўзгартиришларда ва жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда аёллар ролини ошириш бўйича илмий ва ижтимоий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш. Касаба уюшмалар тизимида асосий эътибор аёллар ролини кўчатиришга қаратилмоқда. Касаба уюшмалари бошқарув лавозимларида аёллар сони катта. Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ва ўринбосарларидан бири, 5та вилоят ва 5та соҳа бўйича касаба уюшмалари раислари аёллардир. Хуллас, Республика жамoaт ва иқтимоий ҳаётда аёллар иштироки юқори даражага кўтарилди. Ўзбекистонда кўпгина ноҳукумат ва жамoaт ташкilotлари амал қилмоқда. Ишбилармон аёллар ассоциацияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Аёллар ресурс маркази ва бошқалар. (Давоми бор.)

ЯНГИ ЛОЙИҲА ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси ва UNFPA — Ахборот БМТнинг Аҳолишунослик Жамғармасининг "Усмирларнинг репродуктив саломатлигини сиёсий ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш" юзасидан тайёрланган қўйма лойиҳаси 2003 йилнинг август ойида Республикаимизнинг Самарқанд ва Хоразм вилоятларида ўз фаолиятини бошлади. Лойиҳанинг мақсади: усмирларнинг, айниқса усмир қизларнинг репродуктив ҳуқуқлари ва репродуктив саломатлигини ҳамда ахборотлар олиш доираларини кенгайтириш, репродуктив саломатлик ва бир-бирига ишонч асосидаги дўстона ёндошув хизматларидан фойдаланишни кенгайтиришдан иборат. Қуни кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида Бош Вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар Кўмитаси раиси Д.Ғуломова, ҳамда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси фонди раҳбари Несим Тункай томонидан ушбу лойиҳани имзолаш маросими бўлиб ўтди. НИГОРА

КҮНГИЛ ҚЎЗГАЛГАНИ,



ШЕЪР ЁЗИЛГАНИ ЯХШИ...

Шеърни, адабиётни кадрлайдиган, сўзга, санъатга бe-фарқ бўлмаган халқимиз. Балки, шунинг учун ҳам "Оила ва жамият"га келаётган хатларнинг учдан икки қисми шеърини машқлардир. Бу хатларнинг муаллифлари Ўзбекистонимизнинг турли манзил-маконларида яшайдилар.

Зухрохон Эсонова Сурхондарё вилояти, Сарийосиё туманидан, **Фарҳоджон Умрзоқов** Фарғона вилояти, Охунбобоев туманидан, **Абдунаби Исожонов** Тошкент вилояти, Келес шаҳридан, **Абдурахмон Тўлабоев** Наманган вилояти, Чортоқ туманидан...

Лекин қайси жойда яшамасин, истаклари битта: ўзлари ёзган машқларининг "Оила ва жамият" саҳифасида чоп этилишини истайди. Истак билан имконлари яқин келиб қолган ижодкорлар ҳам бор, албатта.

Бу дунё кўп айлана, Айланамиз тинмайми.
Бу дунё кўп сойлана, Сойланамиз тинмайми, — деб ёзади Тошкент олийгоҳларининг бирида таҳсил олаётган талаба **Улмасжон Тўраев**. Унинг:

Тунларим - беором. Кундузларим тун, туйғуларим устундир. Мендан-да устун. Тасалли беролмас бир бағри бутун, Сен мени ҳаётга қайтар, азизим! — каби сатрлари кишида умид уйғотади. Шеъринг билан хиддий шугулланса, машқлари ҳаваскорлик даражасида қолиб кетмайди, деган бир фикр беради одамга. Самарқандлик **Баҳора Надаева**, андижонлик **Икромжон Солиев**,

қаршилик талаба **Мавжуда Жумаева** газета таҳририятига юборган машқлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Ёшликнинг дунёга нигоҳи бошқача бўлади. Ёшликнинг кўзлари бошқалар кўролмаган гўзалликларни илғайди. Шунинг учун улар кўп ҳайратга тушадилар, кўп ҳаяжонланадилар. Шу маънода таҳририятга йўлланган машқлардан аксариятининг ёшларга тегишли эканлиги ҳам табиий бир ҳолдир. Наманганлик ўқувчи **Нозигул Раҳимова**, Қаршидаги лицей талабаси **Дилназов Муродова**, Навоий шаҳридаги техника коллежи талабаси **Юлдуз Тожиева**, зарфшонлик мактаб **Тупроқ қадар ўқувчиси Бу дунёда ўз Рустамжон Бара- Бир шoirга каев**, Қарши туманидаги касб-хунар коллежи талабаси **Ойдин Муродова** каби ҳаваскор ижодкорлар машқларидаги туйғулар, кечинмалар бир-бирига жуда яқин.

Фақат сендан таскин тополдим, Шеърим, менинг сирдошим - ёлғиз. Мехр бериб, сендан куч олдим, Сен ҳаммадан кудратлисан сўз. Самарқандлик мактаб ўқувчиси **Зулхумор Ашурованин** машқларидаги сўзга, шеърга ишонч қайси бир кўринишларда унинг барча тенгдошларида акс этади.

Ёшдир-қаридир инсон қалби ҳаммаша табиатга боғлиқ бўлади. Кўёшнинг ловуллаб чиқиши, гуллар очилиши, ёмғирларнинг шовуллаб ёғиши, камалакнинг осмонга тортилиши - бари-барига қараб шеърга ҳавасманд кўнгилларда ғалати туйғулар уйғотади. Кими илк муҳаббати, кими болалиги, яна бошқа бирови она қишлоғини эслайди. Жигарлик хиссиёти ҳам табиат каби кўнгилга доим сезиладиган туйғу. Шунинг учун она, ота, фарзандага муружаат қилиб ёзилган машқлар ҳам кўп учрайди. Сурхондарё вилоятидан **Сафарали Ҳайдаров**, Тошкент вилоятидан **Жа-**

мила Тўлаганова, Тошкент шаҳридан **Меҳмонали Отакулов**, Нарзулол Саломов, кумкўрғонлик **Зумрад Аброе-**

ва, булоқбошилиқ **Раъно Жуманиёзова**, фарғоналик **Одина Паттаева**, қашқадарёлик **Зулфия Лутфуллаева**, сурхондарёлик **Хусан Сувонов**, қорақалпоғистонлик **Қозокбой Курбонбоев** каби мухлисларимиз йўллаган мактублардаги шеърини машқлар юқоридagi фикримизни далиллайди.

Бу дунё эскидир, дунё бедаво, Келмоқнинг кетмоғи бўлар экандир, — дея ўз-ўзларича ҳаёт фалсафасини ёзади пойариқлик кекса отахон, меҳнат фахрийси **Турди Турсунов**.

сингил кетган шеърлар қанча, Бу дунёда ўз гамини ерлар қанча, шунча аза, дерлар қанча... — дея шоир **Мухаммад Юсуф** хотирасини йўқлайди хоразмлик милиция катта сержанти **Бекмурод Усмонов**.

Қуриб турганингизда, "Оила ва жамият"га ихлос қилиб ўз машқларини юборган ихлосмандларнинг ёши ҳам, касби ҳам турлича. Аммо, уларни замон ва макондан бошқа яна бир нарса бирлаштириб туради. Улар кўнгил кишилари. Агар кўнгилларига бир чўғ тушмаса, ҳаяжонланмаса, одам минг уринган билан икки сатрни оҳангдор қилиб тизиб, бир-бирига мослаб ёзолмайди. Кўнгилнинг эса уйғониб, ҳаяжонланиб, ҳайратга тушиб тургани яқши. Одам ҳеч нимадан ҳайратланмаса: "Ҳа гул очилди, нима бўлибди", "Ҳа, онамни сочи оқарибди, нима бўпти?" — дея ҳамма нарсага кўл силтаб бораверса, қуриган оғочдай фақат жисм одамига айланиб қолади.

Шунинг учун кўнгилнинг кўзғалиб, шеърнинг ёзилиб тургани яқши. Том маънодаги шеър-санъат даражасига етказиб шеър ёзиш эса шоирликни қисмат билганлар, унга умри, ҳаётини тикканларгагина насиб этади.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

1. Ўғлим, сен менсан. Лекин, мен, сен бўлмайман! Чунки мен ҳаёт - умр йўлимининг кўпрогини юриб, кезиб, кечиб кўйдим. Энди қайтолмайман. Эрта ҳам эмас, кеч ҳам. Буни яратганининг ўзи билди. Сергак бўл. Аввало туққан-туғишганинг, ўзлигингни, сўнг ўзгаларнинг қалбига кириб бор. Элинг, маҳалланг,



ЎФИЛЛАРИМГА...

жамоанг, Ватанни асра! Улар кўз қорачиқларимиз!
2. Ўғлим, устозларинг хизматларини оқла, шоғирдларингни сўроқла! Сен ўғил боласан. Йигит сўзидан — арслон изидан қайтмаган. Фикринг, қарашларинг, ҳатто, хатти-ҳаракатларинг, кўз нигоҳларинг, қалб давватларинг, меҳнатинг, роҳатинг; дўстларга қарашларинг, рақиблирга муносабатинг, ўғил бола бўлсин! Ўзгалар тош отса ҳам, сен тош отма! Оқиллар — ноаҳиллик ишга қўл урмаслиқ дариинг унутма!

3. Ўғлим, қошинг қора, чехранг меҳнатимиз маҳсули бугдўйдек, бугдўйдек, юрагинг, фикринг, борлиққа, инсонга, Ватанга, ҳатто жониворлардан тортиб, набобот дунёсигача, ўзбегимизнинг маҳсулоти пахтадек оқ бўлсин! Чунки юраги оқликдек ҳосият кўп. Ғамгинлик онлари бўлмайди, юрак - кўнгил оқликнинг ўзи, умр йўлининг белгилайди.

4. Ўғлим, дўстинг сочингдан ҳам кўп бўлгани, хўп бўлгани яқши! Сочни ҳам асрай билсанг сочдир. Асрай олмасанг, тош бошинга ҳам қийин. Соч тез тўкилиб кетиб, бошга калдеган номни юклайди. Дўстга ҳам бe-фарқ қарасанг, у сендан сочингдай узоқлашиб қолади, ёлғизланиб қоласан, ота ўғли!

5. Ўғлим, душманинг ондасонда бор. У сен билан гоҳ йўлда, гоҳ чўлда, кўпинча кўнглингда тез-тез учрашиб туради. У сени сергак қилади, ўйлаб гапиришингга, фикрингни теран бўлишига даъват этади. Бил... у йўлингга тўшалган чангал, пойингни билиб босмасанг, оёбингга суқилади, сўнг майдалайди. Пойинг газакласа, шифосини топмоқ мушкулдир. Ахир, касалликнинг келиши осон — кетиши қийин, ўғлим! Шунинг учун оғоҳ бўл! Пойингни тийиб, тилингни чеклаб, йўлининг аввалдан чамалаб, ўзингни мустаҳкам ирода, бардош билан қўлга ола бил! Ўғлим, айтганимни қил!

6. Ўғлим, сен келажак йўлиман! Юрагининг тиниқ сувсан. Икки дийдам — кўзимсан! Элда айтар, дил тафтим — пок сўзимсан! Менинг ўзлим, истиқболимда — сенда, набираларимда — намоён бўлишингни асло-асло унутма, жон ўғлим!

7. Ўғлим, меҳринг, ақлинг, хурматинг, билиминг, дунёқарашинг, бозор кўрганлигинг,

хунарли бўлишинг бор. Уларни ҳар сонияда кўпайиб боришига эътибор бер! Ҳаммасига ҳам эришишда шошилма! Шошилиб, нарвоннинг 7 поясига бирдан чиқиб бўлмайди. Посидан ноҳос чиқиб кетишинг мумкин. Ҳаддан зиёда шошқалоқлик, бир умр шикастлаб қўйишини унутма! Ахир, бел — гавдани кўтариб турувчи зинали тоғ. Зиналарга дарз етказма! Биласан ўғлим - чиранган гоэзинг хунари оз, уқдингми?

8. Ўғлим, севилиб - севилишда шошилма, ўзингни йўқотма! Бу соҳада сенга ҳам, опа-сингилларингга ҳам маълум эркинликлар берганман. Уларнинг севиб - севилишини зардоли дарахтига қиёс қиламан. Зардохти дарахти жойига, ўзи хоҳлаган жойга ўтқазилса қуримайди. Барваста бўлиб ўсиб, юртга чирой беради. Меваси шигил, тотли, ширин бўлади — фақат назорат, парвариш қўнайтирилса...

9. Ўғлим, бир юракда битта сеvgи яқши. Иккита бўлса - бўлинганни бўри ер, деганлар. Бўри ўзгалардир. Улардан сақлан!

Ўзгалар — касаллик тарқатувчи гўза зараркунда-сидек оч ҳашорат. Улар - сурбет, териси қалин, кун ўтсинчилар. Бундай ёмон фазилатлар сенда ҳам бўлмасин, зурриёдингга асло ўтмасин! Йул кўймаслик учун ўзингни қатъий имтиҳон қил!

10. Ўғлим, билим, хунар — инсон савиясини белгилайди. Билим, хунар, савия эгизаклар. Уч оғанини ботирлар. Умринг қадр бу учаласини кўпайтириб юр! Уларнинг мукамал ишланганини, амалиётдан - ҳаётдан оласан, бир қисмини китоблардан. Вақт кўпдир - уйқунинг бир қисмини чегири ташласанг, олам гулистон, ўғлим!

11. Ўғлим, гап ташувчи, сўзамол, ўр, шарттағуфтор бўлма! Бу фазилатлар сенга, инсонга, ўғлимга ёт!

12. Ўғлим, ички гўзалликка алоҳида эътибор билан қара. Ташқи гўзаллик ҳам керак. Фақат меҳнат билан топилганлик эвазига таяниб, ўртча қийин.

(Давоми бор.)
Эргаш АТОЕВ
Навоий вилояти
Кизилтепа тумани
«Тошрабат» ш./х.

ЭЗГУЛИКНИНГ АКС-САДОСИ

Газетхон — газета ва ҳаёт ҳақида

Мен 2000-йилдан бери бир олийжаноб инсонни қидириб юрган эдим. Уни "Оила ва жамият" орқали топдим. Менинг учинчи фарзандим Шохжаҳон 10 ёшида оғир бетобланиб қолди. Уни Тошкент шаҳридаги нейрорхирургия клиникасида умуртқа погонасини операция қилишди. Унга бир ойдан сўнг жавоб беришди-ю, аммо ўтириш ва юришга рухсат беришмади. Шу сабабли биз уни махсус кўтаригича ётқизиб бериб йўл вокзалига олиб бордик. Сабаби, енгил машинада ҳам юриши мумкин эмасди. Вокзалга борганимизда 25-30 ёшдаги бир йигит бизга қўмақлашди. Биз хурсанд бўлиб, ўғлимни кутиш залидаги ўриндиққа жойладик ва мен

чипта харид қилишга кетдим. Касса ёнига бориб, чўнтагимга қарасам пулим йўқ экан. Бизга қўмақлаган йигит хайрни ҳам насия қилиб, бор пулимни ўмариб кетибди. Аёлим ва мен боши берк кучага кириб қолгандик. Кимдан мадад сўрашни ҳам билмай лолу хайрон эдик. Энди нима қиламиз, деб турсак, ёнимиздан бир тўда аёллар ўтиб қолишди. Улар орасидан бир хушсурат, келишган 45-50 ёшлардаги аёл бизнинг ташвиши ҳолатимизни кўргач, ёнимизга келиб саломлашди ва: "Сизларга нима бўлди, ташвиши кўрмасизлар? Менинг ёрдамим керак эмасми?" — деди. Шунда аёлим илғаб юборди ва бўлган воқеани бизга айтиб берди. У аёл бизга 10.000 сўм пул берди. Мен ҳайратланиб: "Опа, сиз бизлар-

ни танимасангиз, шунча пулни бердингиз", — десам, у: "Фарзандингизни қийнаманг, пул топилади, соғлиқни ўйланг! Ҳозир мен меҳмонларимни кузатиб келай, сўнг манзилимни бераман", — деди. Мен эса жуда хурсанд бўлиб, Оллоҳга шукрлар айтиб, чипта олишга югуриб кетдим. Тезда поезд кетадиган вақти ҳам бўлиб қолди. Лекин ўша опадан дарак йўқ эди. Ниҳоят поезд ҳам ўрнидан жилди. Бизга яқшилик қилган инсондан тобора йироқлашиб борардик. Манзилга эсон-омон етиб бордик. Мен ҳар гал пойтахтга келганимда опани қидирдим. Лекин у кишининг исмини, турар жойини, иш жойини билмасам, игна билан қудук қазигандай азобландим. Хатто "Даракчи", "Постда" газеталари орқали у кишини

Хожимурод БЕГАЛИЕВ
Қашқадарё вилояти
Қамаши тумани

Эрталаб ишга кайфиятим бузилиб, тушкун ҳолда келдим. Чунки, тиқилинч автобусда гувоҳномами, уйимизнинг калити ва пул солинган ҳамёнимни кимдир ўғирлабди. Аксига олиб шу куни бир ташкилотга мажлисга боришим қатнашим керак эди. Аксига олиб...

Хуллас, яна одатдаги ташвишларимга

МЕН СЕНИ

шўнғидим. Бироздан сўнг хонамизнинг эшиги аста очилди. Ичкарига бир ўсмир журъатсизгина бошини сўқиди: "Мумкинми?" - деб сўради.

- **Киринг,- дедим.**

Бола қўлидаги қоғоз турмагини эзгилаганча стуллардан бирига келиб ўтирдим.

Кийимлари ўнгиб кетган. Юпун. Сочлари ўсик, ювинмаганига ҳам анча бўлганга ўхшайди.

- **Кел, болажон, менда бирор ишинг борми ёки сен ҳам ёзиб турасанми? - дея савол бердим.**

- Сиз Басира опамисиз? - сўради у ийманибгина. Мен тасдиқладим.

- Мана бу сизнинг гувоҳномагини? Мен боя бекатдан топиб олдим,- деди у бироз ҳаяжон билан.

Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Туриб болани бағримга босдим. Гувоҳномам ва уйнинг калити... Ҳаммаси жойида. Мухими гувоҳномам эди. Чунки, бир соатдан кейин бошланадиган мажлисга етиб боришим керак эди. Азбаройи суюниб кетганимдан сумкамдан 500 сўм олиб боланинг қўлига тутказдим. У олиб қафтлари орасига яширди.

- **Қайси мактабда ўқийсан,- дея сўрадим. У эса: «Мен мактабда ўқимай кўйганман»,- деди.**

- Отам билан онам ажрашиб кетишган. Иккисининг ўз оилалари бор. Мен эса Сағбонда бувим билан яшайман. Бувимнинг кўзи кўрмайди, унга ўзим қараб тураман. Тухум, картошка қайнатишим ҳам биламан. Бозордан нон олиб келаман. Шундай қилиб бувимни боқаман,- деди.

- **Яхши бола экансан-ку, шунча ишни бир ўзинг қилсан. Ота-онанга ҳам мазза бўлса керак. Сендек дастёрлари бор экан,- дедим.**

- Бувим пенсия олади. Кейин кўшинларимиз ёрдам берадилар,- дея сўзи-

ни давом эттирди Алишер.

- **Ота-онанг-чи? Нима улар ёрдам беришмайди?**

- Бир марта мактабга кийим олиб беринг, деб отамнинг олдига бордим.

Ишда

экан. Унинг хотини мени уриб, ҳайдаб юборди. Мен кетмасдан пастда, йўлакнинг олдидоги ўтиргичда кутиб ўтирсам, у тепадан устимга бир челақ қайноқ сув селиб юборди. Мана, кўлларим шунда куйиб қолган,- деди кўлларини кўрсатиб. Чиндан ҳам унинг кўлларига куйгандан қолган чандиқлар бор эди.

- **Кейин-чи?**

- Мен йиғлаб уйга келдим. Эртасига эса онамнинг олдига бордим. Пул сўраб эмас, онам менга яхши гапирмаса ҳам уни кўргим келаверади. Уни соғинаман.

- **Онанг яхши кутиб олгандир?**

- Онам мени кўриб югуриб олдимга келди. Уйда ўғай отам борлигини, билиб қолса мени уриши мумкинлигини айтди ва тезроқ кетишимни сўради. Мен бўлсам онамни қучоқлаб, уни жуда соғинганимни, бирпас гаплашгани келганимни айтдим. Онам бўлса... "Мана, мени кўрдинг. Энди кетгин!", дея эшикни ёпиб кириб кетди. Мен эса йиғлаб эшикнинг олдига онамнинг яна чиқиб қолишини кутиб анчагача турдим. Лекин у чиқмади. Мен қорним очиб чарчаб уйга қайтдим.

Алишер кўзларига тўлиб келган ёшни артди.

- **Мактабда менинг бир-иккита чизган суратларимни роса тақшанди. "Сен рассом бўлишинг керак",- дерди муаллимамиз.**

- **Алишер, расм чизишни ёки бирор хунар ўрганишни истайсанми?**

- Бунинг учун ўқиш керак. Агар бувимнинг кўзи кўр бўлмаганида эди... Уни ташлаб кетолмайман,- да.

Болакай бу гапларни аввал кўрқибгина, кей-

ин эса бемалол гапира бошлаганди. У девордаги табиат манзараси акс эттирилган суратга тикилиб турди-да: «Мен ҳам шундай расм чиза оламан»,- деди.

- **Алишер, истасанг, душанба, сешанба кунлари келгин. Сени**



рассомимиз билан таништириб қўяман,- дедим.

- **Ростданми? - кўзлари чакнади боланинг.**

- **Рост айтаяпман. Истаган пайтингда келгин. Мен сенга альбом, қалам ҳам совға қиламан,- дедим.**

- Майли, мен бориб бувимга айтаман. У мени кутиб ўтиргандир,- дея ўрнидан турди. Хонадан чиқмоқчи бўлиб эшикнинг тутқичини ушлади-да:

- Опа, сиз мени кимлигимни билмайсиз. Мени кечира оласизми? - деб сўради.

- **Нима учун бундай деяпсан?- дедим. У бўлса...**

-Боя автобусда сизнинг ҳамёнингизни мен ўғирлагандим. Мен ўғриман, билдингизми? Одамларнинг нарсасини ўғирлаб, хужжатлари бўлса олиб бориб суюнчисини ҳам оламан. Манг, берган 500 сўм пулингизни - деди-да йиғлаб юборди. Мен қотиб қол-

дим. Лекин, ўзимни қўлга олдим-да: «**Майли, кечирдим, лекин иккинчи бундай қилмагин**»,- дедим унинг бошини силаб. У мендан қойиш қутган эканми, билмадим. Чехраси ёришса-да, ҳамон ҳиқиллаб турарди. У билан яна бир оз гаплашдим. Унга қайта-қайта бу ишининг хатологини тушунтирдим. Мажлисга кетишим керак бўлгани учун, нарсаларимни олиб хонадан чиқдим. Алишер билан бекатда ҳам анча гаплашиб турдик. У кулиб мен билан хайрлашаркан: "Ҳали албатта келаман, мени рассомингиз билан таништирасиз-а?" - деди қайта-қайта.

Шундан буён анча вақт ўтди. Лекин ундан ҳалигача дарак йўқ. Мен эса негадир унинг келишини кутаяпман. Қаерларда юрибдиркин? Бемехр ота-онасини соғиниб бориб, ўксина-ўксина йиғлаб юрганманки? Бувисининг аҳволи бу бўлса... Мен Алишернинг номини ўзгартирмадим. Эҳтимол, мен танимаган бошқа Алишерлар ҳам бордир? Ота-оналар ўзларининг ҳаётларини тинчгина қайтадан қуриб олиб ўз дилбандларини шундай хор қилиб қўйишса кимга додингиз-

КУТАЯПМАН, АЛИШЕР!

ни айтасиз ахир? Ажрашмасдан аввал гўдақларининг тақдирини ўйламаган бундай ота-оналарга эса жазо йўқлигидан қуяман. Келгусида ажойиб рассом бўлиши мумкин бўлган Алишердек болаларнинг аянчи аҳволда қолганига эзилман. Суд залининг икки томонида бир-бирига қаҳр билан қараб, таъна тошларини отаётган ота-оналарга эса шундай дегим келади: «**Сизлар ажралиб кетганингиздан кейин фарзандларингиз мана шундай ҳолга тушадилар. Шунинг учун мангки, болаларга оила керак, ота-онанинг меҳри керак. Наҳотки боланингиз шулардан маҳрум қилиб сиз бахтиёр бўлсангизми?**».

Ушбу мақолани изтироб билан ёздим. Балки, шу сабаб бўлиб зора ота-онасида фарзандига оз бўлса-да, меҳр уйғонса. «Сизлар нима деб ўйлайсизлар, уларнинг тош қалбларида ўша меҳр бормикан?»

Б. САЙДАЛИЕВА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Ҳар йили баҳорда дахлизимизнинг болорига бир жуфт қалдирғоч ин қуриб, бола очарди. Бир куни мактабдан қайтиб уйга келсам, эшик ланг очик, ўша қалдирғочлар қирқираб учиб ичкарига қиради, яна бир муддатдан кейин ташқарига чиқади. Бошқа қалдирғочу қушлар ҳам бу антиқа томошани кўргани келгандай ҳовлида жамулжам бўлиб чуғурлашарди. Мен уйга яқинлашаётганимни кўриб симёғочга бориб кўнишди. Дахлизга кирсам, патлари энди чиқаётган қалдирғоч боласи ерга тушиб ўлиб ётибди. Шифтга қарасам қалдирғочнинг ини ёнида бир олачипор илон болорнинг бурчагига тикилганча турибди. Мени кўриб тилини чиқара-чиқара тисарилиб вассалар орасига кириб кетди. Уша кундан бошлаб қалдирғочлар ҳар дахлизимизга ин қўймайдиган бўлди...

Ҳамқасабамга бир аёл шикоят қилаяпти.

- Иккита фарзандим бор. Турмушим бузилиб қаерга боришни билмай қолдим. Отамдан қолган уйда акам яшайди. Мени акам ҳам

сифдирмапти.

- Фарзандларингиз бор экан. Ўз уйингиздан чикмай ўтирсангиз бўлмасмиди, - дея гапга аралашаман мен. Аёл менга юзланиб.

- Биз эрим билан яшаган уй ота-онасиники. Унда бизни ҳаққимиз йўқ. Суд ҳам шундай қарор чиқарди.

- Хўш, тахририятимизга

дардларини қоғозга қоралаб топширди-да, хайрлашиб эшикдан чиқиб баробарида бир йигит салом бериб ичкарига кирди.

- Мен эълон бермоқчи эдим. Кимга учрашсам бўлади? - деди йигит хаяжондан кўзлари жавдираб. Унга ўтириши учун жой

ҚАЛДИРҒОЧГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

келишдан мақсадингиз нима? - Саволни кўндаланг қўйди ҳамқасабам.

- Мақсадим, менга бошпарна керак, - деди у ҳам гапни қисқа қилиб.

Тавба, бир бошпарна олиш учун Намангандай жойдан сарсон-саргандон бўлиб келса бир аёл. Уша аёл яшаган маҳалла аҳли, фаоллари, оқсоқоли, хотин-қизлар кўмитаси ечадиган масала-буку бу,- кўнглимдан ўтказаман мен. Аёл ҳамқасабамнинг кўрсатмасига асосан

кўрсатиб, нима мақсадда эълон бермоқчилигини сўрадим.

- Ёшим 36 да. Турмушим бузилганига 3 йил бўлди. Отам 81 га, онам 76 га киради. Опам билан синглим турмушга чиқиб кетишган. Ака-укаларим йўқ, ёлғиз ўғилман.

- **Наҳотки қариндош-урун-ингиз бош қўшиб бирор-та заифани топиб бериша олмаган бўлса?**

- Суриштиришди, тоғналари менга ёқса, ота-онам-

га маъқул келмади, ота-онамга маъқул келса менга тўғри келмайди. Бу пешона экан-да, энди, - деди йигит хўрсиниб.

- **Турмушингизнинг бузилиш сабаби нимада?**

- Мен бир қизни яхши кўрардим. Ота-онаси оиламизни менсимай беришмади. Кейин тақдирга тан бериб, таваккал қилиб уйландим. Бахтга қарши хотинимнинг қўли эгри чиқиб қолди. Нуқул чўнтагимдан пул ўғирларди. Бир неча бор оғохлантирдим. Дўқ-пўписа қилдим, бир-икки бор тарсаки ҳам тортиб юборган пайтим бўлган. Барибир бу йўлдан қайтмади.

- **Фарзандларингиз борми?**

- Ҳа, битта қизим бор. У хотиним билан кетган.

- **Нима иш қиласиз ўзи?**

- Россияга қуруқ мева олиб бориб сотиб, пулига кийим-кечак олиб келиб сотардим.

- Сиз ҳам хато қилгансиз-да. Пулингизни хотинингиздан яшириб юргансиз. "Хотин, мана бу пулни олиб қўй, ҳали бу пулга ундай қиламиз, бундай қиламиз, сенга ҳам фалон нарса олиб бера-

ман", деб кўнглини кўтариб қўйганингизда, хотинингиз руҳиятида бу пул меники ҳам экан, деган тушунча пайдо бўлиб, қирқ жойидан тугиб, кўз қорачиғидай асраган бўларди. Ойлангизнинг пойдевори-га зах етмасди. Хўп, бўлар иш бўлибди, энди бу ёёига эҳтиёт бўлинг. Оилада ишончсизлик кетмайди ука. Ҳар соҳада тўқисмизу, ўз душманимиз ўз ичимизда экани хаёлимизга ҳам келмайди. Оқибатда ишонч суиситермол қиламиз, акин кишиларимиздан айриламиз.

Мен бу кунни ҳеч кимга раво кўрмайман. Сизга ҳам. Шу боисдан қалдирғочларга ҳавасим келади. Тумшуклари билан лойдан ин қуриб ахил яшайди. Уларнинг ширин турмушига илонлар раҳна солади. Биз инсонларнинг турмушимиз бузилишига эса, ичимиздаги ишончсизлик илони сабабчи бўлади. Бояги бошпанасиз қолган аёл ҳам, эълон бермоқчи бўлиб келган йигит ҳам ишончсизликнинг қурбонлари, деган ўй келади хаёлимга.

Тоҳир НОРИМОВ

АРҚОННИ УЗУН ТАШЛАНГ...

«Қимматга тушган пирог» — 24-сон

ЭСЛАТМА: Ўша куни кичик синглимнинг туғилган куни эди. Хотиним уни хурсанд қилиш учун пирог пиширган. Унинг меҳрибончилиги қимматга тушиб, опам билан жанжаллашиб, онасиникига кетиб қолибди. Орқасидан борсам келмади. Мен энди нима қилай?

Ҳеч кимни ақл-заковатидан айирмасан экан. Исмини яширган! Уйингиздагилар яхшиликка ёмонликни соғиниб, бири у, бири бу дея келиннинг жигига тегиб, икки ўртада даҳанаки жанг бўлибди. Опангиз: «Ўзи уйда ёғ оз, пирог пиширма», деб ишига кетса, акангиз: «Опам сенга пирог пиширма деган, нега пишираясан», - дея дағдаға қилган. Шунда хотинингиз акангиздан пастроқ келиб яхши гапирма деган, нега пишираясан», - дея дағдаға қилган. Шунда хотинингиз акангиздан пастроқ келиб яхши гапирма деган, нега пишираясан», - дея дағдаға қилган. Шунда хотинингиз акангиздан пастроқ келиб яхши гапирма деган, нега пишираясан», - дея дағдаға қилган.

Аслида аччиғини ичига ютиб, қайсингилнинг туғилган кунини ўтказса бўларди. Шу ўринда қиз болани босиқликка ўргатмаган ота-онадан ранжийди киши! Онаси эса сиздан ўпкалаб жанжаллашиб олибди. «Эркалатса онаси, талтаяди боласи», - деганларидек, ўрни келганда юзсизларча нарса ундириш мақсадида уялмай, сизни юз-хотир қилмай: «Менга пальто, жемпер, этик олиб берасан. Бўлмаса ора очик», - дея шарт қўйгани нима маси? Охир-оқибат сиз ҳам унинг ёнига бормай қўйиб жуда-жуда тўғри қилибсиз. Библишимизча, хотинингиз хотин эмас - ўтин экан. Бундан кейин у сизни қандай мамонатларга қўяркин яна.

Қиз тарбиясига панжа орасидан қараб, унинг танткилик-арига ён босадиган ота-онасидан ранжиб тўғри қиласиз. Ёнида қизини олиб ўтираверсин.

Танткилигидан бахти совирилган шундай бир келинчакни биламан. Унинг айбларини эшитган онаси тўғри хулосага келиб қизига дашном бериш ўрнига, қувнинг хонадонидеда жанжал кўтариб (ўзи олийгоҳ ўқитувчиси бўла туриб): «Қараб туринг, қизимни уйланмаган йигитга бераман», - дея юк-юпунини олиб кетган. Бу йигит икита болали бўлай деяптики, собиқ аёлининг эса уйланмаган йигитга тегишидан дарак йўқ. Қиз тарбиясини бузган ўша она катта гапиргунча, катта нон тиласла бўларди. Укам Р. сизга маслаҳатим: арқонни узунроқ ташлаб қўйиб, унга ва ота-оналарига инсоф тиланг, ҳаёт ўйинчоқ эмаслигига ақли етса олдингизга қайтиб келади.

Оллоҳ ҳаётингизни тиклашга кўмак беришини истаб қоламан.

Афифа ХАСАН қизи

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БАХТЛИ БЎЛИШСИН

«Муҳаббатим ёлгон эмасди» — 9-сон

ЭСЛАТМА: Алишерга телефон орқали мени бошқага беришаётганини айтганимдан сўнг, у шошилиб Навойига йўл олган. Йўлда эса автохалокатга учраганини эшитдим. Унинг ўлимига фақатгина мен сабабчи эканини ўйласам... Дадам менинг кўнглим билан ҳисоблашганда эди, бундай воқеа рўй бермасмиди?..

Х. ҲОТАМБОЕВА

Азиз, синглим Ойгул! Ҳаёт нақадар мураккаб ва сиру-синовларга бойдир. Қалбингизга кириб келган муҳаббат, юрагингиздан жой олган сеvimли килингни Алишер (Оллоҳ раҳмат қилсин) наҳотки бир тушдай бўлиб ўтиб кетди. Мен аввалом бор кўз олдимга Алишернинг онасини келтирдим.

...Ҳаётдаги ёлғиз суюнчиғи, бутун борлиғи азиз фарзандидан ажралиш... Ойгул, синглим, бу воқеага балки, сизнинг ҳам қисман бўлса-да айбингиз бор. Негаки, сиз отангизга жал қилиб телефонда унга ёлгон гапларни гапирдингиз. Бу гап-сўзлардан

ўзини йўқотган Алишер йўлга чиқди ва автохалокатга учради... Ахир сиз у билан юзма-юз кўришиб, босиқлик билан бўлаётган жанжалларни ҳал этишингиз ҳам мумкин эди-ку, синглим...

«Энди менга яшашнинг ҳам кизиги йўқ, дарсларга ҳам бормаяпман, ҳеч қачон турмушга чиқмайман», дебсиз. Ойгул, бунақанги совуқ гапларни тилингнига олманг. Ҳаёт текис йўл эмас. Унда тўқнашасиз, йиқилибсиз, яна қаддингизни тиклаб кетиш учун хамиша имкон бор.

Ойгул сингилжоним! Сизга ҳаётингиз бундай қутилмаган оғир синовида сабуру-бардош тилайман. Келажакда ўқишларингизни ёруғ юз билан тамомлаб, яхши ишларга ишланг. Пок муҳаббатингиз, севгилингиз Алишерни эса бир умр юракларингиз тўрида сақлайсиз, деган умиддаман. Бахтли бўлинг! Шундай вақтларда ота-оналар менимча фарзандларингиз келажакини, бахту-қамолини чуқурроқ ўйлаб кўриб уларни келажакда бахтли оила қуришлари учун розилик берсалар албатта мана шундай нохуш воқеалар содир бўлмасди. Айрим ҳолларда қизларни кўнглига қулоқ солмасдан мажбурий ўзага узатишлар оқибатида бахтсизликлар, ажралишлар, тирик етимлар ҳам учраб турибди. Истардимки, мана шундай ҳолатларда ота-оналар қизларига молу-дунё эмас, балки севган йигитларига турмушга чиқишга имкон берсалар албатта қизларимиз бахтли, ота-оналарнинг ҳам кўнгли хотиржам бўлармиди дейман.

Гулчеҳра АЪЗАМОВА

Тошкент шахри


ОНАНИ ХОР ҚИЛМАГИН ЗИНҲОР...

«Ўша кунларни қайтара олсайдим» — 26-сон

ЭСЛАТМА: Яхшигина бир хонадонга келин бўлиб тушганим. Тўнғич фарзандим туғилгач, ўзимни оиланинг ҳокими, деб ҳисоблай бошладим. Қайнонам хўжайиним ўртасига совуқчилик туширишга ҳаракат қилдим ва бу ниятимга етдим. Тўртта фарзандли бўлгач, ҳаддимдан ошиб кетдим. Қайнонамни шундай хўрладимки, натижада у уйимизни тарк этди. Онажоним дилини оғритганим учун, фарзандларим бахтсиз. Ўзим бедаво дардга йўлиқдим.

ДИЛОРОМ

Тошкент



- Оҳх, болам-а!, болам-а! Ана, эшик кўнгираги жириглайди. Онаизорнинг жонгинаси томоғига сағнайд. "Бугун болам вақтида келди!" Шилпагини ҳам илмай, югуриб чиқади. Шу пайт келини ҳам етиб келади ва онаизор ўзини койида. "Бироз шошмай турсанг бўларди-ку кампир, ҳар ҳолда эшикни сулув хотини очгани маъқулдир, ўғлинг!"

ҚУТЛУГ ОСТОНА

Онаизор ишдан қайтса, келиннинг авзои бузук, уйига кетишга шай. Ўғли ва қизчасини силтаб-силтаб кийинтирмакда. Сабабини чолдан сўради. Келини гап қайтарган экан.

- Нима бўлди, тинчликми? - Энди у келиннинг ёнига кирди.

- Дадандан сўранг, нима бўлганини. Менга бақирди, кетавер, деди. Бўлди, кетаман!

- Энди келинжон... Гап қайтарганингни унча жажл устида айтган кўйиңдир-да. Сиз уйим-жойим, дейдиган, кечирадиган келин бўлинг.

- Неча марта кечираман?! - келиннинг овози ўкдек эди. - Хувэ ўтган йили ҳам бақирган.

- Оҳх, болам-а! - онаизорнинг овози шикаста эди.

- Дадангиз ўзи шунақа - жажли тез. Лекин юрагиде ёмонлиги йўқ. Менга ҳам бақирган, хафа қилган, вақти келса. Мен дадангизнинг яхши томонларини ўйлаб, чидаганман. Қолаверса... никоҳни муқаддас билганман. Яхши ниятлар билан босиб кирганим шу остонадан жажл билан чиқиб кетишни ҳеч эп кўрмаганман, ўзимга. Ҳа, қизим, мен агар яхши одам бўлсам, шу биргина ёмон одамни тарбиялай қолай. Жағола-



"Онаизор" туркучидан

шим керак-а? Нега анов тепамиздаги олифат келин сугурмайди. Биринчи қаватда ҳам келин бор. Нега уларга айтмайсиз?

Онаизор гапниб қолади. Қулоқлари битидади. Аранг жавоб қайтаради.

- Ахир... Бировларга айтиш қийин-да, болам. Сиз ўзимникисиз. Қолаверса, биз ўзбекмиз, ерни тоза тутишга одатланганмиз. Гоҳ-гоҳ сугуриб қўйсангиз-савоб-ку!

- Э, ўргилдим, савобингиздан. Сизга савоб керак бўлса сугураверинг. Менинг ишим бошимдан ошиб ётибди...

Онаизорнинг фақат юраги эмас, бутун вужуди титрайди. Войи, шу тоғда ернинг қаҳри келиб, бизни юртиб юборса-я, ўйлаб, калима келтирибди.

Нималар бўляпти, ўзи-а?! Сингилми яшайдиган "хушрўй" маҳалласида кўчалар мисоли чинни-чироқ ўша уйлариңг келинлари ҳам ишлайди, бола-чақаси ҳам бор. Булар эса... бетон уйларда яшаб, дийдаси қотиб кетдимикан-а. Одамларни кўтариб турган, едириб-ичираётган ерни сўймай қўйишган-а?!

Онаизорнинг ҳўрлиги келиб қўзига ёш тўлади...

Кечки пайт ўғли хизматдан қайтади. Икки қўлида икки халта мевачева. Ҳозиргина ишданми, ўқшданми келиб, уй кийимларини кийиб улурган келин сархил олма-ю, зарғалдоқ шафтолиларни ювиб-

узатиб биров дам олади, шешкили. "Яхши қилади. Боланиам кўп ишлаб, роса чарчайди-да!" - деб ачинади онаизор. Кейин ўғли узоқ ювинади. Ва келин билан чак-чақлашиб, тамаддихонага кириб кетишади. Кулгулари, ширин-ширин сухбатлари ўқтин-ўқтин эшитилиб туради. "Доим шундай аҳл бўлишсин-а?" - деб шукроналар айтади, онаизор.

Вақт имиллаб ўтади. Онаизор дори ичиб олиш учун бир ҳўплам чой баҳонасида тамаддихонага бош суқади. Онаси борлиги қулиб-яшнаб ўтирган ўғлининг ёдига тушади. Ва:

- Келинг, ойи! - дейди секингина. Келин эса шошилиб гап қўшади.

- Ойим оватланганлар! Онаизор бир ҳўплам чойни олиб, изига қайтади.

- Тавба, - деб ўйлабди у, - қиз бола бировнинг ҳасми, дейишарди. Ўғил бола ҳам бировнинг ҳасми эканми-а?! Майли, шуниси ҳам шукр! Омон бўлишсин, бахтирма! - дея яна шукроналар айтади.

рени кечира қолай, деб ният қилдим. Биз аёлларнинг биринчи ишимиз шу - тарбия. Иккинчиси эса кечира бўлиши. Оллоҳ кечиримли-ку!

- Бақирганларига сиз чидагансиз, ойи, мен чидамайман!

- Бўпти, дадангиз билан ўзим гаплашаман. Сиз ҳам иззат-ҳурматларини жойига қўйинг. Кекса одамнинг асаби юққалашиб, инжиқ бўлиб қолади. Шунини унутманг. Яна бир гапни айтиб қўйи, ҳозир агар болаларни етаклаб кириб борсангиз, жажл устиде ҳасрат дафтариңи очиб юборсангиз, на фақат бизни, ўз ота-онангни ҳам хафа қилиб қўйсиз. Урмай-сўймай уларнинг умрини қисқартирасиз. Яна айтман, у-бу деганлари билан дадангиз сизни жуда ҳурмат қиладилар. Рўздорнинг ачғиғи ва чуғли деганлари шу-да, болам. Яхшилаб ўйлаб қўринг...

Онаизор ўрнидан туриб, Оллоҳга шукронасини айта-айта ўз хонасига йўл олди. Келин биров хаёл суриб ўтирди-да, болаларини ечинтиришга тушди.

- Бувимникига дам олиш кунни меҳмонга борамиз-а?! - деди.

ювиб, лаззатланиб танаввул қилади.

3 - Оҳ, оҳ, бирам ширин-ей! Бирам ширин-ей! Оллоҳнинг, Она-Ернинг неъматини бу болам! Ерни юмшоқ босинг, болам! Ер юзини тоза сақланг! - дегиси келади. Демайди, гап эшитиб қолшдан кўрқади. Кечки пайт кўп қаватли уйлари исиб кетиб, Онаизор аста кўчага чиқади. Чўзинчоқ тахта ўриңдиққа аёллар, келинлар тизилишган. Атрофларида бола-бақра.

Онаизор беиктиёр атрофга назар ташлаб таъби хира тортади.

- Икки челақина сув сепаб, сугуриб, кейин дам олсангиз қандай яхши бўларди-я, - дейди тили қичиб. Дейди-ю, балога қолади. Ҳамма ўзини оқлашга тушади.

Онаизор ҳадемай яна уйига йўл олади. Ўзи билан ўзи гаплашади. "Келинларнинг овозлари бунчалар ўқир-а?! Биз булардай пайтимизда овозимиз у ёқда турсин, килригимизни кўтариб, тик қаролмасдик-а?! Ибо, ҳаё, ипақдек эврилишлар. Қўлимиздан сугури тушмасди-я! Ҳай, минг йиллардан бери асраганларимизни энди йўқотамизми-а?! Йўқ, йўқ, яратганим ўзи асрасин. Ўзимда борини ўргатаман, келинмига! Соқларини сийлайман, елқаларига қоқаман. Зора қулоғига олса. Зора ерни юмшоқ босса. Мени кечир, бизни кечир, она-Ер! Санаъат МАХМУДОВА

(Боши ўтган сонда.)

- Ўзингизни болангизгаям тўғри келмасе, қанақа қон экан у?!

Икки ўртоқнинг гапини бир четда эшитиб турган хотиним аралашмаганида, кучоқ очиб кўринишга кўр олдошлар, билмадим қай ҳолда хайрлашардик:

- Хўжайин, йўқ деманг. Аввал бир текшириб кўринг-чи, сизники тўғри келадими-йўқми? Кейин бир гап бўлар!

- Яшанг келин! Бола-чақала-рингизнинг роҳатини кўринг!

Хотинимнинг таҳминларининг акси ўлароқ қоним таҳлили жуда ажойиб қикди - қоним шунақа ноёб гуруҳмишки, уни ўлган одамга қўйса тирилиб ҳам кетармиш!

Ўзи болалиқдан дўхтурдан, унинг уқолидан кўрқадиган мендай одам учун қочадиган бурчак қолмаган эди. Худди ҳозир мени сўйишадигандек, оёғим тортиб-тортмай операция хонасига кирдим ва Абдумутал ақанинг дока парда ортида инграниб ётган "шўх ўғилтойи" тарафга ҳам қарамай, билганимни ҳамшира ихтиёрига топширганча, қўзларимни чирт юдим...

Операция хонасидан рангим бир ҳолатда чиққанимда, Мутал ака билан хотиним тоза ака-сингил бўлиб ўтиришарди. Биз яна учрашишга ваъдаллашиб, уйга қайтдик. Энди хотинимнинг аввалги паршонлигидан асар ҳам қолмаганиди.

Кечки пайт уйга келсам, хотиним йўқ эди. Эшикни ўз калитим билан очиб, телевизор кўрганда, ора-сира тиззамдаги газетадан кроссворд ечиб ўтирган пайтим хотиним кўчадан кириб келди.

- Ўғлимизни кўриб келдим, - хотинимнинг гапларига парво қилмадим, шунақа илмоқли гапларга ўч. - Онасиниям кўрдим, биром чиройли хотин экан.

- Чиройли дейсанми? - хотиним унча-мунча аёлнинг чиройига тан бермаганидан бундай иқроор, йўқ жойдан "ўғил" орттирганидан ҳам ажабланарли эди.

- Ҳа, анови ўртоғингизнинг хотинини айтаман-да! Агар икковини ёнма-ён қўйсангиз сира бир-бирига мос эмас, - хотиним бирдан жим бўлиб қолди-да, тўғримга келиб менга тикилиб қолди.

- Ҳа, нимага одам кўрмагандай тикиласан? - дедим юзимни ечаётган кроссворд газетаси билан тўсиб. - Қоҳ! телевизорни пана қилайсан!

- Аммо, хўжайин, бола худди сизга ўхшайди, -хотиним келиб юзмага тўсган газетани қайирди. - Ҳа, рост, худди ўзингиз. Қошини устидеги холиям сизникидака.

- Ахир, яқинда бир банка қонимни куйгандан кейин менга ўйшайди-да? - дедим гапни ҳазилга буриб. - Мана ўзинга, менга текканингада қанақа эдинг? Аллақанча қонимни ичиб, биров кўрса кўргудай бўлиб қолдинг.

- Сизга тегмасимдан олдин ҳам чип-чиройли эдим! - деди хотиним ва ошхонага кириб кетди.



БИРИНЧИ МУҲАББАТЧИМ

Шу орада кунлар ўтаверди ва хотиним шифохонада ётган "қондош" ўғилхонини кўргани бориб, топиб келган гапларини айтаверди. Ўртоғимнинг бирмас еттига боласи бор экан, тагин бештаси ўғил. Хайдарали беш ўғилнинг иккинчиси экан. Дилбар Абдумуталининг иккинчи хотиниммиш. Биринчи хотини учинчи боласини туғайтганда ўлган экан. Боласи тирик қолиб, ҳозир саккиз ёшдамиш. Биринчи хотинидан икки қизу бир ўғил, иккинчи хотинидан эса тўрт ўғилмиш.

- Ўғлимиз Дилбар опанинг бош фарзанди. Аммо улар сира бир-бирига мос эмас. Қиз ҳолда уч болали одамга тегишининг тағида бир гап бор, - дерди хотиним аёлларга хос қизқиш билан. - Сизда эса, хўжайин, меҳр-оқибат деганидан заррача йўқ экан. Бир марта бо бўлсам бориб кўриб келмадигиз-а?

- Қизикимсан, хотин, ҳам қон бериб, ҳам бориб кўриб келишим керак экан-да? Керак бўлса, ўзлари мени кўргани келишсин, - дедим хотинимнинг гапидан жаҳлим чиқиб.

- Ҳалиям келишмоқчи! - хотиним девордаги календарга қаради, - Эрта ўтиб, индин ўғлимизга жавоб беришади. Қишлоқларига кетишдан олдин уйимизда меҳмон бўлиб ўтишмоқчи, майлими?

- Келса мана уй! - дедим ва яна хотинимни гап билан чимчилиб олдим. - Кундошингниям бир кўрсак ёмон бўлмасди...

Икки кундан кейин тонгда ишга жўнаётганимда хотиним бугун уйга меҳмонлар келишини эслатиб қўйди. Тушга яқин телефон жириңглаб, хотиним тез етиб келишимни, меҳмонлар аллақачон уйдалигини айтди. Хотиним тайинлаган тўртта патури, майда-чуйдаларни бозордан харид қилиб, подвёздимиз олдида машинадан тушганимда гипсланган қўллари бўйнига осилган ўғилхонимиз олдимга юзланиб келиб, ўпишим учун юзларини тутди. Мен етти ёшлардаги болақанининг дори хиди ўтириб қолган вужудини секингина бағримга босиб, юзларига тикилиб, ўзимнинг мана шундай пайтларда тушган кичкина оқ-қора расми эсимга тушиб кетди. Гўё ўзимни ўзим орадаги йиғирма йилча фурсат оша ўпаётганга ўхшадим.

- Мошингизни ичиде ўтирсам майлими? - деди Хайдарали ва ҳали бир нарса демасимдан шунга тўла ҳуқуқи бордай, ўтириб ҳам олди.

(Давоми бор.)

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

"МУМИЕ ОИЛА" НАЖОТ

МИНГ ХОСИЯТИ

Мўмиё доривор модда сифатида уч минг йилдан буён Шарқ табобатида маълум. У Марказий Осиё, Эрон, Хиндистон, Хитойда кенг миқёсда қўлланиб келинган. Мўмиё грекча сўздан келиб чиққан бўлиб, "танани сакловчи" деган маънони англатади. Ўзбек тилида "мўмиё-асил", Бирмада "тоғ қони", Арабистонда "тоғнинг тер суви", Сибирда "тоғ мойи" деб юритилади. Унинг асл номи "Муми ойин" бўлиб, Ойин қишлоғидаги тоғ номига нисбатан аталган. Мўмиё табиат томонидан бизга тайёр ҳолда инъом этилган. Унинг қандай йўсинда ҳосил бўлиши борасида аниқ бир фикр, маълумот йўқ. Лекин мутахассис олимлар унинг келиб чиқисини турлича тахмин қилишади. Бири турли хил ҳайвон, ўсимлик маҳсулоти деб атаса, баъзилари нефть маҳсулоти, арча ширасидан ҳосил бўлади, дейишади. Бирок, бу тахминлар илмий жиҳатдан тўлиқ исботланмаган. Мавриди келганида бир ривоятни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Қадим замонларда Эронга Фаридун шох ҳукмдорлик қилган экан. Қунлардан бир кун у ўз лашкардошлари билан ов қилиш учун тоққа йўл олади. Овчилар тоғ ёнида жайронга дуч келиб, унга ўқ отадилар. Ўқ жайроннинг белига санчилади. Бирок, у йиқилмай жон ҳолатда қоча бошлади. Подшоҳ ва унинг ҳамроҳлари жайрон кетидан қувлаб, яна ўқ отадилар. Бир неча ўқ жайроннинг оёқларини тешиб қиради. Оғир яранган жонивор судралиб тоғнинг энг баланд чўққисига чиқиб олиб, қоронғу ёр бағрида ғойиб бўлади.

Бир неча ҳафтадан сўнг ўша овчилар яна овга чиқиб, худди ўша тоғ ёнидан ўтадилар. Уларга белдан ва оёқларидан ўзлари отган ўқлар санчилиб турган ўша жайрон йўлиқди. Овчилар уни тутиб, кўздан кеңирадилар. Буни қарангки, ўқ тешган жой битиб, яра устида эса қора ялтироқ нарса ёпишиб турарди. Жайрон яшуринган горга қараб, улар шундай қора модданинг жуда кўплигини кўрадилар. Ва уни йиғиб, шаҳарга олиб кетадилар. Шох Фаридун бу фалати

моддани текширишни Эроннинг энг улуг ҳақимларига топширади. Ҳақимлар горни ҳам текшириб, бу модда унинг ёриқларидан оқиб чиқаётганини, тунда яраланган ва шикастланган жонивор, қушлар келиб, уни ялаб, чўқилаб, сўнг тузалиб кетаётганларини кузатадилар. Бу модданинг бебаҳолигини фаҳмлаган Фаридун шох қорнинг олдига соқиларни кўйиб, йилда бир марта тўлланиб қолган бир хум қора моддани сарой хазинасига олдириб кетадиган бўлди. Бу жайроннинг ватани - Ойин қишлоғида топилган қора модда инсониятнинг ноёб топилими, Аллоҳ таоло томонидан инъом этилган "мўмиё - асил"дир.

Мўмиё Марказий Осиё тоғли худудларида 3000 метр баландликдаги тошлар орасида кўпроқ учрайди.

Мўмиёнинг ҳақиқийлиги ва сифатини аниқлашнинг ҳар хил усуллари бор. Булардан энг қулайи - мўмиё кўлга олиниб, бироз эзилади. Яхши мўмиё тез орада юмшади, аксинча бўлса қаттиқлигича қолаверади. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний мўмиёнинг сифатини текшириш усули ҳақида шундай ёзган: "Мўмиё асил ёғ ва сирка аралашмасида обдон эритилиб, уни тилмиланган жигарга суртилади. Сўнгра шу жигарга пичоқ урилади. Агар пичоқ текканида жигар бир текис кесилса, мўмиёнинг сифати юксакдир". Унинг ранги ҳам турлича-қора, сарик-кўнғир, ялтироқ бўлади. Таъми аччиқ ва ўзига хос ҳидга эга. У ўз кучини 40 йилгача сақлаши мумкин.

Мўмиёнинг кимёвий таркиби яқин йилларгача яхши ўрганилмаган эди. Ўзбекистонлик ва тожикистонлик олимларнинг илмий изланишлари натижасида унинг физикавий ва кимёвий хоссалари аниқланди. Умумий тажриба маълумотларига кўра, мўмиёнинг таркиби органик моддалар, алюминий, темир, титан, кальций, кўрғошин, магний, калий, натрий, стронций, бериллий, ванадий, кумуш, висмут, кобальт, хром, молибден, углевод, рух, азот каби микро элементларга бой экан.

Эндиги гап хасталикларни даволаш хусусида. Бутун танага, айниқса юракка қувват бахш этади. Киши захарланганда, меъда-ичак, бўғим, суяк оғриқларида, дудуқлишида наф беради. Юқори нафас йўллари касалликлари, зикқинафас, ангина, қон туфлаш, ҳазм қилиш йўллари, буйрак, қовуқ, жигар каби аъзоларни даволашда қўлланилади.

Шарқ табобатининг бобокалони Абу Али ибн Сино ўз асарларида бундай ёзади: "Чикқан синган, йиқилган ва урилгандаги оғриқларга қарши ичирилса ва суртилса фойдалидир. Бошнинг бир томон ярмининг оғриғига, совуқ бош оғриғига ва айланганига фойда қилади. Қулқудан йиринг оқишига қарши бир арпа дони миқдоридасини гул ёғи ва узум гўрасининг суви билан қўйиб илик ҳолда ишлатилади. Йўталганда чилонжийда суви ва арпа суви билан уч қун кетма-кет нахорга ичилади".

Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, мўмиё ҳиққочқа қарши петрушка уруғининг қайнатмаси билан ҳам ичилади.

Пешоб йўлидаги ва қовуқдаги яралар учун фойдалидир. Бунда мўмиё сут қилиб истеъмол қилинади. Чаён чаққан жойга сариеб билан суртилади. Шунингдек, қон томирлари деворларининг ўтказувчанлигини оширади. Бу билан эса қон томирлари хасталикларининг олди олинади. Унинг шифобахшлиги шундаки, куйган терига, синган суякка беҳиёс даводир. Бунда у бириктирувчи тўқималарнинг фаолиятини уйғунлаштиради ва бемор тез кунда тузалади. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яралари, юкмули касалликларни даволашда қўл келади. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, мўмиё фойдали экан деб, уни пала-партиш, кўп истеъмол қилиб бўлмайди. Ҳар нарса-нинг меъёри бўлгани каби мўмиёни қўлланнинг ҳам чегараси бор. Ундан фойдаланишдан олдин кишилар ўз қаричи билан шў кўрмасдан, шифокор маслаҳатига амал қилсалар, шифо беради ва кўзланган мақсадга эришилади.

Сано ва зирадан фойдаланинг, чунки у иккаласи шиш - бу ўлим демақдир, - касаллигиндан ташқари барча дардларга шифодир. (Ҳадисдан)

Зира кўп йиллик ўсимлик бўлиб, соябондошлар оиласига мансубдир. Тоғ ёнбағирларида, буталар орасида, ариқ бўйларида ўсади. Зира Марказий Осиё, Кавказ, Жанубий Сибирь, Украина, Молдава, Эрон, Афғонистон, Хиндистонда кўпроқ учрайди. Меваси июл-августда пишайди. Зира уруғини Шарқда кенг қўламда қўллашади. Уни таомларга, қовурилган гўштага махсус солинади. Бунда гўшт

литр ҳажмдаги идишга қайноқ сув, ярим чой қошиқ зира уруғи, кўк ёки қора чой солиб дамланади. Паст оловда 10 дақиқа мобайнида қайнатилади. Сўнг чой сингари таомдан олдин ёки кейин ичилади. Зира уруғи, далачай, тоғрайхони аралашмаси бод, бўғимларда туз йиғилганда тавсия этилади.

Овқат ҳазм йўллари шомолашида ва унинг иш мароми бузилишида зира муҳим рол ўйнайди. Бу ўринда Абу Барқ Ар-Розийнинг шогирди бундай дейди: "Бир киши меъда сустлигиндан шикоят қилди. Пешоби лойқа эди. Устоз унга зира суви билан беш дирҳам

ЎЗ ҚИРОЙНИ ОЧАДИ

хуштаъм, хузурбахш бўлади. Зира уруғи алкоғолсиз салқинлантирувчи ичимликлар ва колбаса маҳсулотлари тайёрлашда хушбўйлик бериш учун ишлатилади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тоғлиқ аҳоли зира ўсимлигининг ер остки қисмидан хомлигича ёки майдаланган ҳолда нон тайёрлаб, таом сифатида ишлатишган.

Табобатда зиранинг меваси ишлатилади. Таркибида турли маъдалар ва фойдали моддалар бор. Эфир мойи, қарвон, оқсил моддалари, минерал ва бошқа бирикмалар шулар жумласидандир.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино бундай деб ёзган эди:

"Зиранинг суви билан ювилса, юзни тиник қилади, унинг олиниши ва истеъмол этилиши маълум миқдорда бўлиши керак, агарда кўп истеъмол қилинса, юзни сарғайтиради. Ярани тез битиради. Уни сирка билан эзиб искаганда, шунингдек, уни эзиб бураб бурунга тикилганда бурун қонашини тўхтади. Зирани ичилса, овқатнинг меъда юзасига чиқишидан бўладиган қушишни тўхтади. Меъдани қиздиради ва овқатни ҳазм қилдиради..."

Зира уруғи меъданинг сурункали хасталигида, ичак, жигар, буйрак-тош касалликларида малҳам бўла олади. Уруғидан тайёрланган чой иш-тахани очади. Бу зира чой куйидагича тайёрлади: бир

(бир дирҳам - 3 граммга тенг) гулқанд истеъмол қил ва меъданга иситилган латталар қўй, овқатинг нўхот шўрва бўлсин, деб буюрди.

Зира меъда (ошқозон) ширасини ишлаб чиқаришини кучайтиради. Бу таъсири билан меъда шираси дорисига тенг келади. Шу билан бирга, ўй (сафро) ҳайдовчи, пешоб ҳайдовчи омил сифатида кадрланади.

Меъда шираси юқори бўлган кишилар зирани эҳтиёт бўлиб қўллашлари даркор.

XVI асрда яшаб, ижод этган шоир ва табиб Давоий - ал - Гилоний зира ҳақида шундай ёзади:

Бодни камайтираб Кирман зираси, Иссиқликда икки, бил даражаси. Меъда учун унинг манфаати бор, Қуруқликда ўзи учинчи миқдор. Ундан яна пуштнинг кучи ўсади, Ҳайдаш хислати бор, яна кесади. Ундан икки дирҳам ичиш кифоя, Йирингли яралар топар ниҳоя.

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида зирани кўрса, душмандан нажот топгай. Агар зирани йўқотса, душман ундан ғолиб келгай. Кирмоний Раҳматуллоҳ алайҳиссалом айтибдиларким, зирани тушида еса, ўзи ва яқинлари омонликда бўлгай.

Мирзамир МИРЗАШЕРИПОВ ТАШАРИПОВ

15-16 - август кунлари бошда оғриқ бўлиб, сезгилар ўта фаоллашиши мумкин. Асаб системаси фаолиятини мўътадил ҳолатда асраш учун илик сувда чўмилиши, кўк чой ичиши ва ҳар хил куруқ мевалардан: қури-тилган ўрик, майиз, хурмо ейиш тавсия этилади.

17-18 - август кунлари томоқ, оғиз бўшлиғи, қулоқ, бурун фаолиятларида шамоллаб қолишга, мойиллик сезилади. Шу кунлари бу органлар учун зарарли ҳисобланган ҳолатлардан - совуқ ичимлик ичиш, куруқ ҳаводан нафас олиш, ҳар хил шўр ва аччиқ озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан сақланиш тавсия этилади. Қулоқларни шамоллашдан асраш, агар оғриқ пайдо бўлса, иссиқ компресс қилиш, иситилган

ўсимлик мойи томизиш яхши фойда беради.

19, 20, 21 - август кунлари иложи бўлса очик ҳавода, табиат қўйнида яхшилаб дам олиш тавсия этилади. Шу кунлари бод хасталиги борми? Бўғинлари оғрийдиганлар ўзларида нохушлик сезсалар оғриқни қолдирувчи суртмалардан фойдаланганлари маъқул. Иссиқ ҳаммомда чўмилиш ҳам яхши фойда беради.

20 август куни спиртли ичимликлардан сақланиш тавсия этилади.

22 август куни ўпка, ошқозон, жигар ва ўт пуфағи фаолиятида хасталанишга мойиллик кучаяди. Шунинг учун оғир, ҳазм бўладиган ёғлик, гўштли овқатларни камроқ

истеъмол қилган маъқул. Яхши энгил, парhezли овқатлардан фойдаланинг.

23-24 август кунлари умуртқа поғона ва бўғинлар фаолияти сустлашади. Уқалаш, иссиқ компресс қилиш ва ҳар хил иситувчи

САЛОМАТЛИК КАЛЕЙДАРИ

суртмалар яхши фойда беради. Яна асаблар фаолияти бузилиб, айримларда жаҳлдорлик, асабийлашш кучаяди. Ошқозон фаолиятининг бузилиши ҳолатлари юз бериши мумкин.

23-август куни ҳар хил до-риларни ичиш тавсия этилмайди.

24-август куни парhez қилиш ёки камроқ овқат истеъмол қилиш жуда фойдалидир.

25-26 август кунлари тўлган ой кунлари танани ҳар хил ҳилқатлардан тозалаш учун энг қулай кунлар ҳисобланади. Овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилаш ва ҳилқатлардан тозалаш учун қуйидагича тайёрланган дамламадан фойдаланиш фойдалидир:

2 чой қошиқ қоқиғул (одуванчик) томирини яхшилаб ювиб, майдалаб устидан бир стакан совуқ сув солиб 8 соат қўйилади. Сўнгра бу ичимлик тўртга бўлиниб, кун давомида овқатдан олдин ичилади.

27 август куни иложи бўлса, оғир жисмоний мех-

натдан сақланиш ва яхшилаб дам олиш тавсия этилади.

28-август куни ҳар доим-гидек одатдагидек овқатланса бўлади.

29-30 август кунлари буйрак, сийдик йўллари фаолиятини яхшилаш учун фойдали муолажаларни қўллаш лозим. Масалан: тўйиб тарвуз истеъмол қилиш фойдалидир.

30 август куни аблар фаолияти учун муолажалар қабул қилиш айти мудоаодир.

31 август куни буйрак, тос чаногини шамоллаб қолишдан асраш лозим. Шу кун балиқ, тухум, ёнғоқ, ҳар хил мевалар ва полиз маҳсулотларини истеъмол қилиш, шунингдек, асабларни асраш, биовлар билан уришиб қолиб кайфиятни бузишдан сақланиш керак.

АНОРА тайёрлади

Сарлавҳани ўқиб, ўзини ўзи осиб қўйибдими, деган ҳаёлга борманг яна! Гап мавзуси бошқача: ўзини ўзи операция қилганлар ҳақида эшитганмисиз? Антарктидадаги Ново-

ўрнатиб, ўзини ўзи операция қилишга киришади! Ва уни муваффақиятли уддалайди. Операция бир ярим соат давом этади.

Бундай воқеа аввал ҳам зикр этилган. Голландиялик касби темирчи бўлган Ян Дот исгозовнинг биқини бирдан оғриб қолади. Уша паллада унга тиббий ёрдам кўрсатадиган ҳеч ким йўқ эди. Шунинг учун у ўзига ўзи ташхис қўяди, сўнг операция столини тайёрлайди, рўпарасига ойинани

БЕ-ИЧМАС ОДАМ

Ха, шундай одам ҳам бор. Бразилиялик Кордейрда Силва хозирда 80 ёшида.

У ғайри табиий хусусияти билан бутун олимлар фикрини ўзига жалб қилиб келмоқда. Унинг ғайри инсонийлиги шундаки, у болалигидан бери ҳеч нарса емайди, бироқ соғлигидан асло нолимайди. Кордейрда Силва икки марта уйланган. 23 нафар фарзанди бор. Бирор марта бўлса-да, касалланмаган. Рафиқаси ҳар куни эрталаб сут аралаштирилган бир стакан манго шарбатини сўрлаб ичиради. Айниқса, иссиқда чанқамасдан сотатлаб юраверганига нима дейсиз?

ЎЗИНИ - ЎЗИ...

Инсон бу дунёда ўта хунук бўлиб яратилмасин экан. Айниқса, аёл киши. Трисси анча хунук қиз эди. Бунинг устига қулоқлари ҳам ўта катта бўлиб, кўпчилик уни "супра қулоқ" деб чақирарди. Бечора севги ёшига етганида ҳам бирорта йигит унга севгидан оғиз очмади. Ҳатто хунук-хунук йигитлар ҳам гўзал қизлар билан гаплашар, Триссига ҳеч ким қараб ҳам қўймади. Қайтага қаерга борса, устидан қулишарди.


Орадан йилларни қувиб йиллар ўтди. Триссига куёв чиқмади. Ниҳоят у эрга те-

СУПРА ҚУЛОҚ ТРИССИНИНГ РЕКОРДИ

гишдан умидини узиб, юрган кунлардан бирида, 46 ёшга етганида унга бир эркакдан совчи келди. Улар бир-бирларига жуда маъқул бўлишди. Чунки хунуликда иккиси бир-биридан қолишмасди. Тўйдан кейин орадан 10 ой ўтиб ғаройиб воқеа юз берди.

Триссининг қорни шунақанги катта бўлиб кетгандики, барча: "Бу ё айиқ ёки фил туғайди", - деб ҳазиллашарди.

Трисси эса ўн биринчи ойга ўтказиб, бир кунда етти нафар чақалоқ туғди! Ҳа ишонаверинг, чақалоқларнинг барчаси соғлом эди. Болаларнинг бирортаси ҳам на онасига ва на отасига ўхшарди. Барчаси расамадида, қўрганлар ҳавас қиладиган хушрўй болалар бўлиб етишишди. Ушандан кейин Трисси бошқа туғмади. Эрхотин 42 йил яшади. Бир кунда бу дунёни тарк этишди.



МАЛИКАСИ

1622 йилда Нью-Мехико ҳиндулари осмонда муаллақ турган улкан аёлни кўриб, қўрқиб кетишди. Унинг сояси ҳиндулар шарҳчасининг ярмини эгалларди. Ҳиндулар уни фаришта деб ўйладилар. Аммо улкан аёл ёнида пайдо бўла бошлаган ойна кўрган одамлар уни "Ой маликаси" деб атай бошладилар.

"Ой маликаси" шаҳарликларга озор етказмасди. У юқорида туриб, тўғрироғи булутга ёнбошлаб олиб, атрофни, одамларни томоша қиларди. Ана шу ҳолат бир кеча-ю, кундуз давом этди.

Улкан аёл кейинчалик Испанияда пайдо бўлди. У ерда ҳам одамларни ҳайратга солиб шаҳар тепасида булутга ёнбошлаб ётди. Унга ўқ отмоққа журъат қилганлар ҳам бўлди. Лекин ўқ булутга етиб бормасди. Улкан аёл эса ерни томоша қилишда давом этарди.

Кейинчалик Америка қитъасининг бир қанча жойларига улкан аёлни кўрдилар. Уша давр олимлари уни нима деб таърифлашни билмай, булутнинг бир кўриниши, деб атадилар. Ҳақиқатан ҳам аёл қутилмаганда булут билан пайдо бўлар, яна ой ва булут билан бирга ғойиб бўлиб қоларди. Бу сирли ҳодиса кейинги асрларда қузатилмади.

МИНА ХОНИМНИ

Мина хонимни қарийб 50 йилдан буён ҳеч ким меҳмонга айтмайди. Сабаби оддий: у жуда очофат жувон! Агар сиз столга икки кило гуручнинг ошини, 8 сих қабоб, (боринг, яна 10 сих), тўрт буханка булка нон, 3 литр қатиқ, яна икки кило олма, икки кило ёнғоқ ва яна турли ширинликлар қўйиб, Мина хонимни меҳмонга айтсангиз, бир соатдан сўнг стол устини кўриб кўзларингизга ишонмайсиз. Стол устида олманинг пўчоғи ҳам қолмайди.

У ёшлигида жуда келишган қиз эди. Аммо нафси ёмонлигидан унга куёв чиқмади. У эрталаб бир ўтиришда тўрт киши кеча-гача ейдиган овқатни еб қўярди. Отаси бу ҳолатга дош беролмай 51 ёшида оламдан ўтиб кетди. Онаси эса қизининг қорни учун тиним билмай ишлади. Мина тобора иштаҳага кириб борар, она бечора борган сари кучдан қоларди. Яхши ҳамки Минанинг

БЕ-ТҶИМАС ХОНИМ

хусини кўрган бир бой одам уни хотинликка олди. Ана шундан кейин онаси бечора бемаалол ўлиши мумкинлигидан хурсанд бўлиб, оламдан ўтди. Мина кўп овқат егани билан семиз эмасди. Қадди-қомати келишгани эди. Овқатни қанчалик кўп емасин эри чидарди. Мина унинг кўнглини овласа бўлди эди. Лекин у эр кўнглини овлашни ҳам ошириб юборди. Унинг ноз-қарашмаларига чидай олмаган бой эри Минанинг бағрида жон берди. Унинг бутун бойлиги хотинига қолди. Тул қолган бой хотин ишлашга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо эплай олмади. Хозирда у эрининг топганини совуриш билан банд.

М. МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади

КҮЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ.

ЁНҒОҚ ҲАҚИДА

Юпкапўст ёнғоқ. Ёнғоқ данагини беш кеча-кундуз эски шаробга ёки балоғатга етмаган гўдакнинг пешобига солиб, сўнгра эксангиз, шу ёнғоқнинг пўсти юпка бўлади. Фақат бунда ёнғоқнинг боши тепага қаратилган ҳолда экилишини унутманг. Агар ёш ниҳолнинг танаси ингичка қилиб тешилиб, ундан темир ёки пўлатни ўтказиб, шундай қолдирилса ҳам, ушбу ёнғоқнинг пўсти юпка ва магзи оқ бўлади.

Меваси тўқилмаслиги учун... Товуқ жўжасининг бир неча патини қизил латтага боғлаб ёки қизил наматга ўраб, ёнғоқ пишишидан аввал танасига осиб қўйсангиз, меваси тўқилмайди. Ниҳол пайтида ёнғоқ дарахтининг майда томирларигача қовлашиб, ораси кул билан тўлдирилса, шохларига ҳам кул сепилса, бу дарахтнинг ёнғоғига курт тушмайди ва тўқилмайди.

Ёнғоқ тезпишар бўлсин десангиз. Агар ёнғоқ ниҳоли қавлаб олинса ва бошқа ерга ўтказилса, бир йилдан кейин яна янги ерга кўчириб ўтказилса, келгуси йили бу тадбир учинчи бор такрорланса, шу ёнғоқ дарахти тезпишар бўлади.

НОКНИНГ ЮМШОҒИ ЯҚИНИ

Нокнинг ерга яқин қисми ёрилади, танаси тирналмайдиган қилиб ичидаги магзи олиб ташланади. Сўнг ўша ёриқ бир-бирига ёпиштирилади ва лух (тол пўстлогининг икки қисми) билан боғланади. Сигирнинг янги гўнги ва тоза лой билан сувалади, сўнг экилади, шу ҳолатда ери қуруғунча қолдирилади. Барг чиқаргунча остида нам бўлиши керак. Шу хил усулда экилган ҳар бир нок дарахтининг меваси нозик, юмшоқ бўлади. Бошқа нокларда бўладиган қаттиқлик бунда бўлмайди.

ШАФТОЛИ ҲАҚИДА

Данақисиз шафтоли. Бунинг учун шафтолини толга пайванд қилиш лозим. Аммо, бу боғбондан катта маҳорат ва синчковлик талаб қилинади. Биринчидан, шафтоли тол дарахтига яқин жойда экилган бўлиши шарт. Боз устига тол катта дарахт эмас, кичикроқ новда бўлиши лозим. Шафтоли кўклаган пайтда тол шохини эгиб, ерга теккизилади. Сўнг унинг ўртасидан ёриб, шафтоли ниҳолининг учи ўша ёриқдан ўтказилади. Сўнг ёриқни ингичка лух, яъни тол пўстлогининг ички қисми билан қаттиқ боғлаб қўйилади. Тешик-

лари эса тоза лой билан сувалади. Ёнғ муҳими, пайванд устига кўзачага ёки бошқа бирор идишга сув солиб осиб қўйилиши, ҳамда томчиллаб турадиган бўлиши шарт. Томчилатиб сугориш бутун ёз бўйи давом эттирилади. Келаси баҳорда шафтоли дарахтининг томири ер юзасидан кесиб ташланади. Қолган қисмига тол орқали сув ва озукча етиб борган бўлади. Шундай қилиб, ана шу пайвандланган шафтоли ўсиб, ҳосилга кирганда унинг ичида данаги бўлмайди.

Шафтоли йирик бўлсин десангиз. Шафтоли дарахти кўп мева қилса, майда бўлиб қолади. Меваси йирик-йирик ва сувли бўлсин десангиз, меваси гўра пайтида уни сийрақлаштириш лозим. Бундан ташқари тез-тез сугориб туриш керак.

ХУРМО ВА ТУЗ

Хурмонинг туз билан қаттиқ "улфат"чилиги бор. Йилда бир марта, айниқса баҳорда, хурмо томирининг ердаги қисми тупроқдан тозаланиб, унга бироз туз солинади. Шундай қилинса, хурмо хуш-таъм бўлади. Туз ўрнига эски шароб қуйқаси солиниши ҳам мумкин.

БЕҲИГА ҚУРТ ТУШСА

Агар ҳовлингиздаги беҳи дарахтининг мевасини қурт еб қўяётган бўлса, ташвишланманг, бунинг учун қимматбаҳо кимёвий дори-нинг ҳам кераги йўқ. Баҳорда, умуман беҳи гуллаган пайтда гулларига таъсир қиладиган қилиб икки бор майин кул сепилса кифоя. Х. ҲАМРОЕВ тайёрлади

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Шу ҳафтада қутилганда зиёд ишларни бажарасиз. Ҳаддан ортиқ толиқасиз. Лекин, шу ҳафтада кўнгли сийёҳатга чиқишингиз мумкин. СИГИР (21.04 — 21.05). - Дехқончиликка оид шартномалар тузишга қулай ҳафта. Аммо, оила аъзоларингиз билан маслаҳатлашиб иш тутинг. ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Анчадан буён сота олмаётган кўчмас мулкнингизни яхши баҳога сотиб, кўнглингиз хотиржам бўлади. ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Катта харидларингизни кейинги кунга қолдириң. Бу ҳафта ижодий ишлар билан шугулланганингиз маъқул.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Душанба куни сержалва ўтса-да, ҳафтанинг кейинги кунлари хотиржамлик билан ўтиши қутилмоқда. БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Бемор қариндошларингиздан хабар олинг. Сизнинг саховатингиз уларнинг кўнглини тоғдек кўтариши мумкинлигини унутманг. ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Ҳафта меҳмонлар қутиш билан ўтади. Улардан бири билан баҳслашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Ёқирган қушиңгиздан мактуб оласиз. Бирок, тўйуларингизга кўп эрк берманг. Алдамчи хисларга берилманг.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Тижоратчиларга омад қулиб боқади. Бошлаган ишингизни иккиланмай давом эттираверинг. ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Молиявий ишларингиз бироз сусаяди. Янги ҳамкорлар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилин. ҚОВҒА (21.01 — 18.02). - Бегона сир айтманг. Тилингниң югуркилигидан қоршанба куни анча жабр кўрасиз. БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Фароғатли ҳафтаниң ҳар бир кунда бахт ва қувончдан балиқдек сузасиз. Бирок, рўпарангизда хавф уатарлар ҳам учраши мумкинлигини эсингизда бўлсин.

1. Аини кундаги касб-корингиз...

а) Бундан 50 йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай - 1 балл;
б) Ўшанда ҳам бу касб-кор мавжуд эди, аммо моҳиятан бошқачароқ - 3 балл;
в) У пайтлар бу касб-кор умуман мавжуд эмас эди - 5 балл.

2. Рекламага қарашингиз қандай? У сиз учун...

а) Заррдан бошқа нарса эмас - 1 балл;
б) Маҳсулотлар ва хизматлар дунёсидаги йўл кўрсатувчи - 5 балл;
в) Фикрлаб кўриш учун ахборот - 3 балл.

3. Қачондир ҳаёт учун хавф-хатарлилик даражаси юқори бўлган бирон юмуш ёки спорт тури билан шуғулланганмисиз? Масалан, парашютдан сакраганмисиз ёки "Тарзан"га ўхшаб дарахтдан - дарахтга учиб ўтганмисиз...

а) 1-2 марта, ўзимни синамоқчи бўлганман - 3 балл;
б) Бундай ишлар билан ҳамиша шуғулланганман - 5 балл;
в) Ҳеч қачон шуғулланмаганман - 1 балл.

4. Куйидаги маслаҳатлардан қай бири сизга ёқади?

а) Ақлли бўлсанг тоққа чиқиб юрма - 1 балл;
б) Ўзинг ёнсанг ҳам, ўзгани кутқариб қол - 3 балл;
в) Ҳар ишда жасорат кўрсат! - 5 балл.

5. Имтиҳонлар олдидан сиз...

а) Қаттиқ тайёргарлик кўргансиз - 1 балл;
б) Омадга ишонгансиз - 5 балл;
в) Шпаргалка тайёрлагансиз - 3 балл.

Тўплаган балларингиз НАТИЖАСИ

5-11 балл. Сизнинг бирон масалада қатъий қадам қўйишингиз, ўйлаб ҳам ўтирмай дарҳол бирон ишни бажаришга киришишингиз осон эмас. Энг сўнгги дамгача масала сизнинг иштирокингизсиз ҳам бажарилиши мумкинлигига умид боғлаб, кутишни афзал биласиз. Аслини олганда ҳам оқим

бўйлаб сузиш ёмон, деб ким қатъий айта олади? Дарҳақиқат сиз, ўйламай-нетмай дадил ҳаракат қилишдан сақланасиз.

ЖАСОРАТТА ҚОДИРМИСИЗ?

Ишга киришишдан аввал ҳар томонлама фойда-зарарини ўйлаб, мулоҳаза юритгандан сўнггина амалга оширишни кўзлайдиган одамсиз. Йиллар давомида ҳам ҳал этиш дарғумон бўлган ишни қатъий бир ҳаракат - уриниш билан ҳал қилиш ҳам мумкинлигини унутмасангиз бўларди.

12-18 балл. Бирон-бир ишга дадил киришишингиз ва тубдан ўзгартиш ясашингиз учун сизни кўзгатувчи кучли бир туртки керак. Ҳаётингиз давомида бунга ўхшаш ҳолатларни кўп бошдан кечиргансиз ва шу туфайли ҳар доим кўзлаган ниятингизга эришгансиз. Шу билан бирга ўзингизга қулай бўлса оқим йўналишига қараб тинчгина сузиб кетаверишга ҳам мойилсиз. Аслида ҳам ҳаётда ана шундай йўл тутиб яшаш афзал. Чунки нимагадир эришмоқ ниятида ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳаддан зиёд зўриқиб, ҳаракат қилаётган бу одам атрофдагиларнинг гашини ва нафратини кўзгаши мумкинлигини унутмаслик лозим. Бу ҳаракатларнинг самараси эса баъзида бир чақага арзимаслиги ҳам мумкин.

13-25 балл. Сиз куч-иродангизни бир муштка йиға оласиз, қатъиятлисиз. Шарт-шароит қийин қадамни қўйишингизни талаб қилса ҳам, сиз ҳеч иккиланмайсиз. Сиздаги топқирлик, жасорат энг оғир, қутилмаган дамларда ҳам қўл келади ва сиз гўлиб бўласиз. Аини дамда сиздаги бу гайриоддий қобилиятдан атрофдагилар ўз мақсадлари йўлида фойдаланишни кўзлайдилар. Қийин масалани ечиш учун сизни бошлиққа рўбарў қилмоқчи бўлишди ёки сиздан бошқа ҳеч кимнинг юраги бетламайдиган ишни ҳал этишга йўллаш пайида бўлишди. Сиз ўзингиздан ана шу тахлит фойдаланмоқ пайида бўлган "дўст"лардан эҳтиёт бўлишингиз лозим. Сиздаги жасорат ўзингизга асқотишини унутманг.

Гулларни барча севади. Шуниси ҳам борки, кимдир атиргул ошиги, кимлардир лолаларни хуш кўради, кимлардир эса тиканли кактусларни... Аниқланишча, феъл-атворини ким қандай гулни севишидан ҳам билса бўларкан.

*** Кактусларни севувчи кишиларни**

феъли ҳам "тиканли", жангари ва уришқоқ бўларкан. Аммо улар ақлни ва донишмандликни қадрлашаркан.

* Атиргуллар ва саллагул (пион)ларни афзал кўрувчилар ҳаётсевар, серхиссиёт ва рашққидирлар. Ҳаётдан ва муҳаббатдан тўйганлар эса бу гулларга қарагилари ҳам келмас экан.

* Чиннигул (гвоздика) ўзини ҳаётда ҳаммадан устун деб ҳисобловчи кимсаларга ёқаркан. Бу гулни яна ҳаёлот дунёсида яшовчи, тургун қонунқоидаларга риоя этишни истамовчи одамлар ҳам севишаркан.

* Агар лола ва сумбул (гиацинт)га ишқибоз бўлсангиз, унда сиз севгида омади юришмаган, ўзингизни бахтсиз ҳис этувчи кишисиз.

* Гладиолус (туғунак пиёзли гул), гулсафсар (ирис) ва шуларга ўхшаш новдаси узун гулларни бағри кенг, серхиссиёт кишилар яхши кўрадилар. Бундайлар шунингдек, табиатта ошиқу шайдо ҳамдирлар.

* Бинафшани хуш кўрувчилар ташқаридан қараганда ҳис-туйғусиздек кўринсаларда, аслида завқ-шавққа тўлиб-тош-

ган одамлардир.

* Сирен кучли салоҳиятга эга, ҳаёт қувончларидан тўла-тўқис баҳра олувчи одамларга ёқаркан.

* Хризантемени қувноқ ва жўшқин қалбли одамлар яхши кўришаркан.

* Хидсиз гулларни иродаси суст одамлар танлашаркан.

* Нафасни қайтаргудек кучли ҳид таратувчи гуллар серхиссиёт ва дағал феълли одамларга ёқаркан.

* Турли-туман гулларга ошуфта

ҚАЙСИ ГУЛНИ СЕВИШИНИНГIZНИ АЙТСАНГИЗ...



кўнгил эгалари ҳар қандай шароитта ҳам мослаша оладиган, кучли феъл-атворли кишилардир.

Нега шунчалар тер тўкиб меҳнат қиласиз-у, лекин ҳеч қандай самарага эришолмайсиз? Раҳбарият эса жонингизни жабборга бериб ишлаётганингизни ҳатто сезмайди ҳам. Демак меҳнатни ҳам ақлу фаросат билан ташкил қилишингиз керак экан. Куйидаги маслаҳатлар нафақат бошлиқ кўнглини топишингизда, балки ақин келажақда иш жойингизда юқори погонани эгаллашингиз ҳамда яхши маош оладиган бўлишингизда асқотиши мумкин.

1. Ишга кечикманг. 2. Хизматчининг кечикиб ишга келиши энг катта гуноҳдир. Иш жойингизда ҳамиша ўз вақтида ҳозир у нозир бўлишни, имкони борича бошлиқдан ҳам олдинроқ келишни одатга айлантинг. 3. Ташаббускор бўлишга

шошилманг. Баъзида ташаббус ишда кўзланган самарани бермаслиги мумкин. Балки сизнинг ҳаддан зиёд ташаббускор

нолиманг. 4. Бетгачопар бўлманг. Сизни танқид қилишса бунга жавобан дарҳол жазавангиз ту-

6. Бошлиқингизнинг хурмануфузи янада мустаҳкамланиши учун сиз ҳам жонбозлик кўрсатинг. Буни сезган бошлиқ албатта миннатдор бўлади ва мансаби кўтарилганда сизни ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олади.

7. Тўсиқларга мардона дош беринг. Йўлингизда содир бўладиган турли салбий воқеа-ҳодисалардан ўзингизга тегишлича хулоса чиқаришга одатланинг.

8. Бошлиқ қандай кўрсатма бермасин, жавобингиз ҳамиша: "Лаббай!" бўлсин! Бошлиқнинг энг туғуруқсиз талабларини ҳам ўринлатиб бажариш учун ўзингизда куч топа олинг. Яқин орада бошлиқ сизнинг нақадар ақли ва фаҳм-фаросатли ходим эканингизга тан беради ва унинг иқрори сизнинг фойдангизга хизмат қилади.

АМАЛДОР ВА ТБОЙ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

лигингиз бошлиққа ёқмаслиги мумкин. Балки обрў-эйтибори сиздан кўра юқорироқ даражада бўлган касбдошингиз аини ана шундай ташаббус билан чиқишни ўйлаётган бўлиши мумкин.

3. Сузлашманг. Бошлиқда ўзгалардан ўзгача таассурот уйғотишни истасангиз берилган ҳар қандай топшириқни зудлик билан бажаринг. Аини дамда ҳаётингиздан

тиб, жаҳлингизни намойиш этишга уринманг. Бундай қилғилиқ хали ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Қобилият, ёқимлилиқ, вазминлик ҳамда кундалик заҳматли меҳнат албатта муваффақиятга эришувингизни таъминлайди.

5. Сохт-сумбати кўримсиз бўлманг. Эгнингиздаги кийимингизми, туфли, соат ва ёки сумкангизми албатта танқил фирмага тегишли маҳсулот эканлиги сезилиб, билиниб турсин.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлуд учун» Халқаро жамғармаси

Билла ва жамият
Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» Акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 736. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобук.
Адади - 19112
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Рассом — Гулнора РАҲМОН.
Навбатчи — Н. ЙЎЛДОШЕВА.
Мусахҳиҳ — С. САЙДОЛИМОВ.